



O'zMTDP — www.mt.uz

MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 31-32 (1030) 2019 йил 14 август, чоршанба
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган



14
с.



ҲАМКОРЛИК

7
“Яхши анъанага айланган доимий учрашувларимиз Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп киррални ҳамкорликни ривожлантиришга мустахкам асос яратди”.

ҲУНАРМАНДЛАР МАҚОМИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ШАРТ

Тошкентда ўтган очиқ мулокот ушбу катлам вакилларининг энг долзарб масалаларига бағишланди.

МАСЪУЛИЯТ ЧЕГАРАСИ

ЖУРНАЛИСТ, БЛОГЕР
ЁКИ АЙРИМ САЙТ ЭГАЛАРИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
ОЛДИДАГИ ИЖТИМОИЙ
МАСЪУЛИЯТИНИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА АНГЛАБ
ЕТМОҚДАЛАР,
СҮЗ ЭРКИНЛИГИНИ-ЧИ?



BANK

КАЧОН
ТАДБИРКОРГА
КАЙШАДИ?

6 с.

“Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади”.

Имом Бухорий

ВАЗИРНИНГ ФИКРИЧА,
СУВТАНҚИСЛИГИ –
МУҚАРРАР

8-9 с.

ЭНДИ ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАР ҚОНУН БИЛАН МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси йигилишида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Дастлаб, "Мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим бериш ва тарбиялаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди.

— Инсон ҳаёти одоб-аҳлоқ, таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ ва барча замонда бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинган, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров. — Яхши тарбия одамни саодат, комиллик сари етакласа, ёмон тарбия уни ҳалокатта олиб боради. Инсон илк тарбияни ота-онасидан олиши табиий. Алломалар тарбия аслида инсонга она қорнидаёт, берилши хусусида кўп бора зикр этгандар. Айни шу маънода, тарбия аввало оиласда бошланади, сўнгра болалар боғчасида мустаҳкамланади. Фарзандларимизнинг келажақда қандай одам бўлиши, унинг болаликан олган тарбиясига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда янги тизим

— Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Маълумки, инсоннинг етти ёшгача олган билим ва таассуроти унинг келажак ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Маълумотларга қараганда, 2017 йилда болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш 27 фозида ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 40 фозидан ошиди. Йил охиригача эса уни 44 фозига етказиш кўзда тутилган.

Таъкидланганидек, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил қилинганидан бўён соҳа ривожи бўйича 50 га яқин ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Янги қонун лойиҳаси ушбу хужжатларни бирлаштириб, тартибида солиши билан ҳам аҳамиятлидир. Қонун лойиҳасида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида болаларнинг яшаш ёки доимий рўйхатга олинган жойидан қатъий назар, муассаса ташкил этиши йўли билан уларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш

тартиби белгиланмоқда.

Илк бор ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасида мактабгача таълим муассасаси педагог ходимларининг макомини белгилаш ҳам назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасинам алдаги қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно қилган ҳолда, мураббийларни ўз касбий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш таъкидланмоқда. Фракция аъзолари хорижий тажрибани иноватга олиб, қонун лойиҳасига мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишининг мажбурий тартибида кўзда тутувчи модда киритилишини таклиф этилди.

"Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонун лойиҳалари ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама килинди.

Қонун лойиҳаси хотин-қизларни турмушда, иш жойи, таълим муассасалари ва бошқа жойларда тазиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги

муносабатларни тартибга солишига қартилган бўлиб, унга "тазиқ", "зўравонлик", "руҳий зўравонлик", "жисмоний зўравонлик", "жинси зўравонлик", "иқтисодий зўравонлик", "тазиқ ва зўравонлик жабрланувчилари", "ҳимоя ордери" каби таянч тушунчалар киритилган. Ушбу қонуннинг кучга кириши ички ишлар органлари томонидан тазиқ ва зўравонликдан жабр кўрганларга ҳимоя ордерини бериш имкониятини яратади. Мазкур ҳимоя ордери талаблари бузилганда шахс маъмурӣ жавобгарликка тортимиши назарда тутилмоқда.

— Конун лойиҳаларини тайёрлаша учта муҳим жиҳатга эътибор қартиди, — деди фракция аъзоси Акмал Саидов. — Аввало бу борадаги миллий қонунчилигимиз асосларни кўриб чиқилди. Сўнгра 120дан кўп давлатнинг бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Ҳалқаро стандартларга қай даражада мос келишига эътибор қаратилди. Яъни, БМТ, ЮНИСЕФ каби 30дан ортиқ нуфузли ташкилотларнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуққатларига мослаштирилди. Ҳалқаро экспертиздан ўтказилди. Шунингдек, қонун лойиҳалари интерактив хизматлар порталига жойлаштирилиб, аҳолининг фикр-мулоҳазаси ва таклифлари билан токомиллаштирилди.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаларини қабул қилиниши, энг аввало, жамиятда, турмуш, иш жойи, таълим муассасаларида хотин-қизларга нисбатан ҳурмат-эътиборни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Тазиқ ва зўравонлик асосида жабр кўрган шахслар учун тезкор алоқанинг ишларни тартиби ҳамда зўравонлик содир этишига мойил бўйлан ёки содир этган шахсларнинг ҳулқ-авторини тузатиш дастурини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Йигилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, фракциянинг тегиши қарорлари қабул қилинди.

■ Р.Мавлонов,
"Milliy tiklanish" мухбари

ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ:

ЯНАДА ОСОН ВА ҚУПАЙ

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси учун янгича интерфейс ишлаб чиқилди, унинг кўплаб функция ва имкониятлари янада яхшиланди.

Порталдаги жорий ўзгаришлар АКТни янада ривожлантириш ва уни иқтисодиёт ва аҳолининг ижтимоий ҳаётига жорий этиши, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириши, бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуай шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштиришга қаратилган.

Порталнинг янги талқинида, эскисидан фарқли ўлароқ, идентификация қилиш ягона тизимида мажбурий равишда авторизация қилинмасдан турли, барча давлат хизматлари билан танишиш имконияти яратилган. Аҳолининг керакли давлат хизматларини янада осон ва қуай топлишига кўмаклашиб мақсадида "Ҳаётӣ вазиъатлар" бўлими ташкил этилган. Унда алоҳида вазиъатларга тааллуқли давлат хизматлари ўз аксини топган. Масалан, "Фарзанд туғилиши" деб номланган блокда тегиши мәълумотларни беришдан тартиб, моддий ёрдам олишгача бўлган, шу воқеа билан

боғлиқ барча давлат хизматлари жам бўлган. "Тўй" блоки орқали ФХДга ариза бериш ва давлат божини тўлаш мумкин. Шу тартиб аҳоли дуч келадиган ҳаётӣ вазиъатларни имкон қадар кўпроқ қамраб олини ва керакли хизматларни топишни максимал даражада осонлаштириш ревалаштирилмоқда. Маълум бир янги хизмат турни пайдо бўлса, тегиши блокка кўшиб кўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Электрон хукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқарув маркази ҳамда «Uzinfocom» ягона интегратори фуқаролардан портални ривожлантиришида фаол иштирок этиши ва лойиҳани ривожлантиришига доир таклиф ва мулоҳазалари юборишини сўраб қолади.

■ Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбари

МАСЪУЛИЯТ ЧЕГАРАСИ

Мамлакатимиз тараққиётининг буғунги — янги босқичи дунё миқёсида ғоявий қурашлар тобора кучайтган паллага түғри келди. Мафкура майдонларида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланилаётгани эса юз берәётган воқеа-ҳодисалардан ниҳоятда қисқа муддатларда хабар топиш, у ёки бу масалага муносабат билдириши имконини бераяти.

Энг мұхими юртимизда ҳам оммавий ахборот воситалари эркенилліктер берилгани, фуқаролик жамиятининг асоси бўлган сўз эркениллиги таъминланган ҳар биримизга туб ислоҳотлар мөҳияти, буғунги янгилиниш ва ўзғаришлар хусусида ўз қарашларимизни эмин-эркин баён қилиш учун шаронг яратди. Узок йиллар давомида воқеълика холис баҳо бериси, таңқидий мулҳозалар билдиришига кўнимлаган газета-журналлар, телевидение ҳамда радиоканалларимиз қаторига блогерлик институтининг кўшилгани эса жамият ривожига тўсиқ бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни дадил кўтариб чиқиши имконини берди.

Айни пайтда чекка бир қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувига зор экани, кимнингдир фарзанди ноҳақликка учраётгани, бир мансабдорнинг ноқонуний хатти-ҳаракати туфайли моли, давлатларида айрилил қолаётган тадбиркор муаммоларни ҳам аксарият ҳолларда айнан ана шу институт вакиллари томонидан жамоатчилик ётиборига ҳавола қилингани. Янгидан-янги сайтларнинг пайдо бўлиши ҳам буғунги ислоҳотларини мазмун-мөҳияти, жойларда ҳал маъддатлаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳақида тезкор маълумотлар олиш имконини оширади.

Шу ўринда юртимизда сўз эркениллиги таъминланадиган ҳам қарашларни ҳам жамият томонидан қизғин кўллаб-куватланишини ҳам таъқидлаш жизз.

Бир сўз билан айтганда, кейинги уч йил мобайнида ўзғаришлар даври тарихига жамиятимизнинг энг катта итуғи сифатида сўз эркениллиги таъминланганни мұхим воқеълик сифатида кирди, дейиш мумкин.

Тан олиш керак, кейинги йилларда бир қатор вилоятларда авж олган “буз-бузлар” билан боғлиқ католиклар ҳам асосан блогерлар томонидан фош этилди. Ижтимоий тармоқлардаги тезкорлик, очиқлик туфайли эса хатога йўл қўйган мансабдорлар ҳақида давлат раҳбари ва хукуматта тезкор ахборотлар етказиш имконияти кенгайди.

Ўз ўқувчилари томонидан “халоскор” сифатида эътироф этилаётган блогерлар “халқни қақшатган” мансабдорларга нисбатан янада кучлироқ жазолар тайинланишини таълаб этиб, жамиятда ўз мавжелар мустаҳкамланиб бораётганини ҳам кўрсата бошлиди.


Бу жараён айни қизиган паллада блогерлар қатори журналистлар ҳам ижтимоий тармоқлар орқали ўз фикрларини билдираёт. Хусусан, “XXI аср” ижтимоий-сиёсий газетаси бош мухаррири Норқобил Жалил бир қатор ҳокимлар хатосига муносабат билдирилар экан ... оддий бир қаламкаш сифатида фуқаролар ва тадбиркорлар хукуқини оёқости қилган, оёғи ердан узилган, атрофида ўз ҳайбарақаллачиларини тўплаб олган ҳокимлар тавба-тазарру қылмасин, мард бўлса истеъфо берсин” дея кескин фикр билдири.

Албатта, ҳар ким ўз фикрини, маълум бир масала хусусидаги қарашларини эмин-эркин баён этиши мумкин ва юртдошларимиз бу қарашларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўнгилдиш ҳам.

Чиндан ҳам жамиятимизда ачнайин фаол кучга айланган блогерлар, фидойи журналистлар сайди-ҳаракати билан тараққиётимизга тўсиқ, бўлаётган қатор муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш жамоатчилик томонидан қаттий нazorat қилингани.

Ана шундай бир пайтда давлатимиз раҳбари ижтимоий тармоқлар орқали айrim мансабдорлар фаолияти (ёки фаолиятсизлигидан норозилигини билдираётган аҳоли фикри билан танишиб, раҳбарларнинг бундай хатти-ҳаракатларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини тоғт-бот таракрламоқда).

Зоро, одамлар оғирини енгил қилиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига кўмаклашиш барча бўғиндаги раҳ-



барларнинг асосий вазифасидир. Бу йўналишдаги эзгу ҳарқат ва интилишлар самарасида кўлга киритилган ютуқлар билан бирга ҳали ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам бор, албатта. Аммо ана шундай бир пайтда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан турили мақсадларда фойдаланаётган фуқаролар ҳам борлигидан кўз юммаслигимиз керак.

— Буғунги кунда ижтимоий тармоқларда мұхокама қилинмайдиган мавзунинг ўзи қолмади, — деб ёзди “Халқаро пресс-клуб” раиси Шерзодхон Кудратхўаев ўзининг faceboқдаги саҳифасида. — Албатта, ҳар бир инсон ўз фикрига эга, эркин фикрлаш ва фикрини оммавий билдириш барчанинг хукуқига киради. Аммо шундай нозик пардалар борки, ҳар ким истиғанчика фикр билдира олмайди. Булар шахсий ҳаётга аралашув, кимнидир ҳақорат қилиш, кимгайдир таҳдид қилиш, кимгайдир уруш ўзлон қилиш. Бунинг учун жавобгарлик ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундай ҳоллар инсонларнинг шахсий ҳаётига дахл қилиш, кимгайдир ифво қилиш, таҳқирав, қадр-қўйматиги топташ, мавзуни юзаки чайнаш, “деди-деди”ларнинг кўпайтиб бориши бир пайтлар АҚШ тажрибасида “Trans War” яъни ОАВдаги “ахлатлар жанги” деб таърифланган. Демак, “ахлатлар уруши” бизга ҳам этиб келди...

Ш.Кудратхўаевнинг фикрича, улгайётган организм оғриклири сингари бундай жараёнларни барча демократик давлатлар бошидан кечириган. Савол туғилди, биз шундай шароитда нима қилишимиз керак? Назаримда, ўзимизни тута билишимиз, шахсиятга тегмаслигимиз, шахсий ва жамиятга оид масалалар ўртасидаги фарқни ажратса билишимиз, нима бўлган тақдирда ҳам ўзаро хурматни, бағрикент муносабатни сақлай билишимиз мұхим.

Мұхими, энди юз берган воқеалардан тўғри хуласа ҷиқарби, фақат олдинга интилиш лозим. Бу эса фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, ҳалқни рози қилишдек олижаноб мақсадлар рўйбига хизмат қилиади.

...Ҳаёт йўллари турфалиги, унда гоҳ қувонч, гоҳ ғам алмашиб туриши ҳеч кимга сир эмас. Айни вақтда ҳеч бир инсон мен доим ҳаётнинг текис ва ёргу йўлидан юраман, деб айтиб олмайди. Чунки бу йўлларнинг оқ ва қора ҷизиқларини ҳамма бирдек босиб ўтиши азалий қонуният.

Аммо бир ҳақиқат борки, сабрли, имон-эътиқоди, ақлга таяниб иш кўрадиган одамлар ҳаётнинг қора ҷизигини ҳам матонат билан босиб ўтади. Лекин ҳамма ҳам одам. Кимнидир биргина ёмон иши учун соҳга итариб бўлмайди. Уни кечириш, тўғри йўл топишига имкон бериш, зарур бўлса, кўллаб-куватлаш асл инсоний қадриятлардан хисобланади. Муқаддас динимизда ҳам банда билб-билмай ҳатто қилиб кўйса, сўнг ҳатосини тан олиб, тавба қиласа барча қилмиши кечирилиши, зиммасидан соқит бўлиши таъқидланган.

Бир донишманддан: “Қачон одамлар бир-бира га доимий меҳр-оқибатда бўлади?” деб сўралганда, у: “Одамлар бир-бирини кечириб яшаса” деган экан. “Нега доимий меҳр-оқибатда кечиримлилар шарт қилинагани?” деган саволга эса, “Сабаби одамлар ҳатодан ҳоли яшай олмайди” деб жавоб берган экан.

Чиндан ҳам медиа оламидаги жанглар ҳар қан-

дай жамиятда ҳам ўтиш даври оғриқиз ўтмаслигини англатапти. Ўзаро мулқотлардаги зиддиятлар, агресив муносабатларнинг тобора кучайтబораётгани, билиб-бilmай хато қилган кишилар фаолиятидан ҳаддан зиёд кескин хуласалар чиқарилётгани жамиятда сунъий тарзда ҷўзилган трансформация жараёнларининг оғир оқибатидир. “Истеъфога чиқсан, қаттиқ ҳазолансин” қабилидаги даъватлар эса меҳри, оқибатли ва кечиримлиликни фазилат санаган миллатнинг қиёфасини кўрсатмайди, аслида.

Маълумки, кейинги уч йиллик ҳаётимизни ниҳоятда тезкор ўзғаришлар билан кечди. Бир соҳа ёки тизимда эмас, барча йўналишларда бир хил ўзғаришлар амала оширилмоқда.

Сўнгги йилларда барча худудларимизда, ҳатто чекка қишлоқларимизда ҳам “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида улкан бунёдкорлик ишлари олиб бориляти. Замонавий, кўркмак уй-жойлар, ижтимоий обьектлар куриялти.

Тўғри, жамиятимизда бўлаётган ўзғариш, воқеа-ҳодисаларга ҳар ким ўзи қарашларидан келиб чиқкан ҳолда муносабат билдиришига ҳақли. Сўз эркениллиги, фикрлар мустакиллигига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин бу ўйламай, муюҳода қилмай, бугунги кун шарт-шароитларни инобатлар олмай тилга келган гапни айтиш, сўз эркениллигини хоҳлаганча суистесмоль қилиш дегани эмас. Худуд аҳолиси минг пушаймон бўлган ҳокимларни кечириб турган бир шароитда, ижтимоий тармоқлар орқали яна одамлар фикри, қарашларини ўзғартишига ҳаракат қилинаганини тушуниш қийин, албатта.

Тўғри, камчилликлар ҳақида ёзиш керак. Нұксонларга йўл қўйганлар, аҳоли талаби ва ҳоҳишига зид иш тутиб, мавжуд муаммоларга бефарқ қараганлар ҳар қанча танқидга арзиди. Аммо буларнинг барчаси холисликка асосланган бўлиши шарт. Тиронк остидан кир кидириш эса ўртага шахсий манфаат, шахсий қарашлар аралашаётганидан далолатdir. Бу журналистлар, блогерлар вазифаси ёки мақсадига ҳам кирмаса керак. Бунинг эса хавфи томонлари ҳам бор. Яъни айrim блогерларнинг қуошқондан чиқиши, жамиятга, фуқароларга муйян бир шартлар қўйилиши демократияга, сўз эркениллигига салбий таъсири этиши мумкин.

Ўзбекистон “Миллий тикланыш” демократик партияси одамлар манфаати, юрт тараққиётига қаратилган ҳар қандай сайди-ҳаракатларни маъкуллайди ва юқоридаги-дек масалаларда ҳам муроно мадора йўлини танлаш тарафдор эканини доимо таъқидлаб келган.

Агар Ўзбекистонимизни юксак манзилларга қараб сизиб кетаётган бир кемага ўхшатсан, барчамиз — 33 миллион ватандошимиз шум кеманинг йўловчилари эканини англаб етамиш. Кема ичида хотиржамлик ва ҳамжиҳатликнинг бўлиши шундок ҳам сердовул ва сезилмас сувости бўронларига бой ҳаёт уммонида барқарор илгаралишизимиз таъминланади. Турли фикрларни рўйқа қилиб шоқин-сурон кўтарсан, ҳафеб кимнингдир ёқасига ёпишсан, кеманинг мувозанатини бузамиз ва нафақат ўзимиз, келажак авлодларимиз учун ҳам ҳаф тудғирган бўламиз.

Албатта, фикрлар хилма-хиллиги, турли дунё-қарашларининг бўлиши табиият ҳол. Худу инсоннинг турли тилли, ирқли ва миљатли этиб яратиб унга ўзаро аҳил яшаш ва биргаликда ривожланиши буюрган. Бас, шундай экан, бир-бираимизни инсон эканлигиниз учун ҳурмат қилишини ўрганишимиз лозим. Ўзаро фикрларни топтишишимиз, тортисишимиз, бальзан инкор қилишимиз, ўзғартишишимиз зарур. Зоро, плюрализм ҳақиқатни тиниқлаштириди. Лекин бу тортишувлар мамлакатимиз манфаатлари, она Ватанимизнинг юксалиши мақсадида бирлаша оладиган бўлиши лозим.

■ Равшан МАҲМУДОВ,
“Milliy tiklanish” газетаси шарховчisi

8-11 август кунлари
Олмалиқ шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси
Президенти совини учун
белбоғли кураш бўйича
2002-2004 йилларда
туғилган ўсмирлар ва
қизлар ўртасида жаҳон
чемпионати ўтказилди.

ОЛМАЛИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ



Унда Россия, Германия, Хитой,
Истроил, Хиндустон, Эрон каби дунёнинг 40га яқин мамлакатидан 200 нафар спортиши шитирок этди. Жаҳон биринчилигига ўғил болалар ўн бир, қизлар эса етти вазн бўйича баҳслашди.

— Кураш халқимиз миллий қадриялари, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ, шу сабаб "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши ҳам мазкур халқаро мусобақага алоҳида тайёргарлик кўрди, — дейди ўзМТДП Олмалиқ шаҳар кенгashi раиси Уразали Мранов. — Тадбир олдидан Олмалиқ шаҳрида "Ўзбек кураши" — жасорат ва ҳололлик тимсолидир" лойиҳаси доирасидан "Ўзбек кураши жаҳон майдонида" мавзусида давра сухбати ташкил этдик. Партиямиз ташаббуси билан шаҳримиз ёшлари ўртасида белбоғли кураш бўйича турли мусабақалар ўтказдик.

Тўрт кун давом этиган курашларда терма жамоамиз 14та олтин медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди. Иккинчи ўринин россиyaliklar эгаллади. Қозогистон ва Қирғизистон терма жамоалари учинчи ўринга муносиб кўрилди.

■ Муслима ЖУМАБОЕВА,
ЎзМТДП Олмалиқ шаҳар
кенгashi етакчи мутахassisisi

Партияйи дебат

ИНСОН ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан партиянинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари, маъзлий Кенгаш депутатлари ҳамда фаоллар иштирок этган тадбирда партиянинг сайловолди Платформаси бугунги кун талабига мос келмай қолгани учун ҳам уни тубдан янгилаш зарурлиги таъкидланди.

Албатта, сиёсий майдонда сайловичлар ишончни қозонишга интилаётган партия учун давлат ва жамият фаровонлигига бирдек хизмат қилувчи сайловолди Платформаси зарур. 2020-2025-йилларга мўлжалланган янги сайловолди Платформани эса партия фаолиятига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз, айниқса, олим, ижодкор, эксперт ва мутахассислар фикр-мулоҳазаси, таклифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Самарқанд ва Наманганда бўйли ўтган дебатда ҳам Платформа таҳқидий таҳлил қилиниб, партия бугунги сиёсий майдонга қандай янги ғоя ва мақсадлар билан чиқиши керак, миллий юксалишига ҳалақит берадиган муаммолар нималардан иборат каби саволларга жавоб изланди.

Маълумки, юртимиздаги янгиланишилар туфайли фуқароларнинг қарашлари ўзгаришти, ҳуқуқий саводхонлиги ошяпти. Муаммоларни очиқ-ошкорча айтишини ўрганипмиз. Энди сайловчиларни қуруқ, баландпарвоз ваъдаларга ишонтириб бўлмайди. Тан олиш керак, сиёсий партиялар ҳамон мудроқ ҳолатда, уларнинг ўйғониши жуда-жуда қишин кечяпти. Ҳатто айрим партиялар қандай ғояни илгари суришни билмай боши қотаётгани ҳам ҳақиқат. "Миллий тикланиш"нинг эса ғояси аниқ: аввало жамиятда миллий онг, миллий тафаккури юксалитириш, "Инсонни ўзгартирмасдан, жамиятни ўзгартирб бўлмайди"-деган ғоя атрофида бирлашиб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам ташлашдид.

— Партия янги сайловолди Платформасида ҳунармандларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга алоҳида ўтибор қаратиши лозим, — дей таъкидлари дебатда сўз олган ўзМТДП Андикон вилоят кенгashi

Партия
сайловолди
Платформаси
бугунги кун
талабига мос
келмай қолгани
учун ҳам уни
тубдан янгилаш
тақозо этилоқда.

раиси Ҳамиджон Омонов. — Бугун қайси ҳунарманд билан гаплашманг, маҳсулоти учун бозор йўқлигидан нолиди. Мен ҳунармандлик маҳсулотлари учун миллий бренд яратиш тақлифини илгари сурмоқчиман.

Тадбирда "Миллий тикланиш" партияси Марказий кенгashi раиси Алишер Қодиров партия янгиланишлар даврини бошдан кечираётганини, айниқса, қўйи бўғинлар фаолиятидаги камчилиги ва нуқсонлар чуқур таҳлил этилиб, ҳудудлардаги кенгашлар, бошлангич партия ташкилотлари кучли, етакчилик қобилиятига эга кадрлар билан тўл-

дирилаётганини таъкидлади.

А.Қодиров шунингдек, партия ўғояси билан энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олиши, оддий одамларнинг фикр-мулоҳазаси асосида эса партиянинг бирлашиб ҳужжати саналган сайловолди Платформаси бутунлай қайта кўриб чиқилиши лозимлигини таъкидлади.

— Аёллар билан боғлиқ бир оғрикли масала бор. Оиласи, турмуш ўтиғидан жабр кўрган ёки жазо муддатини ўтаб қайтган аёлларга кўрсатилаётган ўтибор етарили даражада эмас, назаримда. Партия сайловолди Платформасида маҳалла, оиласлардаги хотиржамлик, тинчлик ва осойишишаликни сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларни сабр-тоқат, оқиалини билан ҳал этиши жараёнига ўзхиссанни қўшаётган хотин-қизлар манфаатларни ҳимоя қилиш, кўллаб-кувватлаш каби вазифалар кўзда тутилиши зарур, — дей ўз тақлифини билдириди ҳалқ депутатлари Бектемир туман Кенгashi депутати Феруза Жалилова.

— Бир пайтлар ҳалқаро миёсда "Инсон инсонийлигини сақлаб қола оладими?" деган савол ўтрага ташланган эди. Лекин ўшанда жавоб топилмади. Бир исбот талаб қўимайдиган ҳақиқат бор: инсонни ўзгартиртириб, жамиятни ўзгартиртириб бўлмайди. Дунёда одам савдоси, қотиллик, ўтрилик каби жиноятлар кун сайн кўпаймоқда. Афуски, Ўзбекистон ҳам бундай иллатлардан [оли эмас. Бунинг туб илдизи маънавиятсизлик, билимсизлик эмасми? Насихат қилишдан чарчамаямиз, лекин фойдаси бўлмаятни. Партия сайловолди Платформасида маънавият, таълим ва тарбияни устувор вазифа сифатида белгилаб, бу борада узлуксиз Концепция ишлаб чиқиши алоҳида ўтибор бериши лозим.

— Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринbosari Муҳаммаджон Куруонновнинг фикрлари.

— Суд-ҳуқуқ соҳасида адолат ўрнатилишида ҳунаргана катта муаммолар мавжуд. Фуқаролардан ушбу соҳага тааллукли мурожаатлар сони



камаймаяпти, — деди халқ депутатлари Шайхонтохур туман Кенгаши депутати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) котиби-яти мудири Сайдбек Азимов. — Хўш, ЎзМТДП ўтган давр мобайнида бу йўналишда қандай ишларни бажарди, деган ўринли савол туғилади. Саноқли депутатларимизгина амалий иш қилган бўлишлари мумкин. Шунинг учун сайловолди Платформада белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини назоратга олиш борасидаги ишларни кучайтирасак, фуқароларимизнинг бўлажак сайловода партиянига бўлган ишончи камайиши мумкин.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқлари маданийини ошириш борасидаги ишларни кучайтириш лозим. Яъни, бу масалага жавобгар ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш керак. Аммо, партияниң сайловолди Платформасида бу борада ёч нима дейилмаган. Агар ЎзМТДП чин маънода халқ ишончини қозонган партияга айланмоқчи бўлса, биринчи навбатда, адолатсизликка қарши курашиша катта аҳамият, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун устуворлигини таъминлаш масъулиятини ҳам зиммасига олиши зарур.

Дебатда партия сайловолди Платфор-

масининг мукаммал бўлишини таъминлаш учун қатор таклифлар билдирилди. Жумладан, миллий қадрият ва урфодатларни сақлаш, хавфсиз ахборот учун ҳуқуқий асос яратиш, гендер тенглигини таъминлаш, маънавият ва маърифат, таълим, илм-фан тараққиётига, инновацион ишланмалар ривожига хизмат қилувчи мустаҳкам платформани шакллантиришга қаратилган мақсад ва вазифалар янги Платформада ўз аксини топиши лозим.

Нукус, Термиз ҳамда Навоий шаҳарларида ҳам ЎзМТДП Қорақалпогистон Республикаси, Сурхондарё ва Навоий

вилоят кенгашлари томонидан 2020-2025 йillarda мўлжалланган сайловолди Платформа лойиҳаси мұхокама қилинди. Тадбирда, шунингдек, декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган мусалалар мұхокама қилинди.

Келгуси сонда ушбу дебатлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

■ Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Очиқ мулоқот

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧ ЙЎНАЛИШДА ИШ ОЛИБ БОРИЛАДИ

улар нималардан иборат?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгashi "Аёл — миллат овози" мавзусида очиқ мулоқот ўтказди. Тадбирда партия Дастури ва 2020-2025 йillarda мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасида хотин-қизлар масаласига доир вазифалар атрофлича мұхокама қилинди.

Партия Марказий кенгashi ради Алишер Қодиров айни кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фоллигини ошириша қаратилган

миллий қонунчилик ижросини таъминлаш мұхим аҳамият қасб этатганини таъкидлади. Олима аёллар, ёзувчи-шоиралар, давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол хотин-қизлари иштирок

этган тадбирда "Миллий тикланиш" демократик партияси-нинг дастурий вазифаларига хотин-қизлар йўналишида салмоқлы таклифлар тақдим этилишига ишонч билдирилди.

Таъкидланишича, партияниң янгиланаётган Устави, Дастури ва сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятининг энг мұхим бўғини бўлмис оила институтини кўллаб-куватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жамиятда оила анъаналари маънавий қадрияларнинг асосий манбаларни сифатида эътироф этилаётir.

Оила қадрияларини мустаҳкамлаш ва ундаги айрим салбий кўринишларга барҳам бериш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маший турмуш манбаидан тугиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, бу борада маҳалла хизматидан самарали фойдаланиш мұхим аҳамиятга эга. Шунингдек, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келитириш, ёш оиласарга ғамхўрлик қилиш, уларни ўй-жой билан таъминлаш ва бошқа иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий кўллаб-куватлаш ишларида кўмаклашиш, хо-

тин-қизлар ўртасида хунармандишилик, оиласий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш каби устувор вазифалар акс этаётir.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда очиқ мулоқотда партия Уставида "Аёллар қаноти"нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва молиявий манбаларни белгилаш, хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш, партия тарафдорлари ва кадрлар захирасини шакллантиришда мазкур тузилманинг самарадорлигини ошириш, партия "Аёллар қаноти" орқали ёш сиёсий етакчилар мактабининг таромогини яратиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Очиқ мулоқот иштирокчилари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури ва 2020-2025 йillarda мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси юзасидан ҳам ўз фикр-мулоқозаларини билдирилар.

■ Ўз мухбirimiz

БАНК ТАДБИРКОРГА ҚАЧОН ҚАЙИШДАДИ?

Ёки ислом тартиб-қоидалариға асосланган банк-молия тизимини жорий этиш қандай самара беради?

Сүнгги пайтларда ислом банк-молия тизими ва уни Ўзбекистонда ҳам қўллаш ҳақида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тадбиркорларимиз орасида ўз фаолиятини нафақат амалдаги қонунчиликка, балки ислом тартиб-қоидалари асосида амалга оширишини истовчилар ҳам кўпаймоқда. Қолаверса, "Ҳалол" ёрлиғи остида маҳсулот ишлаб чиқариши режалаштираётган тадбиркорлар банкларнинг анъанавий фоизли кредитларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Чунки ислом банк-молия тизимида муҳим ҳисобланган фоизсиз кредит, вақтинча шериклика асосланган инвестициялар, ишонч асосида молиялаштириш каби усувлар ҳали мамлакатимиз банк-молия тизимидан ўрин олганича ўйқ.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу борада Лондонни Европа ислом банк-молия тизими минг марказига айлантириша эришган Буюк Британия хукуматининг таджрибаси диккатга сазовор. 2000 йилда Англия банки давлат ғазнанилиги билан ҳамкорлиқда бар тармоқни ривожлантиришнинг имконият ва муаммоларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гўрухи тузади. 2003 йилда мамлакат солиқ ва бошқариш тизимини қатор ўзgartиртиш ҳамда қўшимчалар киритилади. Шу боис бугунга келиб Буюк Британиядага 20 га яқин банк-молия ташкилоти ислом дини таълаблари асосида иш олиб бормоқда. Шу тариқа Буюк Британия ислом банк-молия тизимида ҳам етакчиликни кўлга кириди.

Ўзбекистонда ислом тартиб-қоидалари асосланган банк-молия тизимини ўйлга кўйиш масаласи кун тартибига чиқишига юртимиз банкларидаги кредит фоизларининг ўта даражада юқорилиги ҳам сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин.

Марказий банк яқинда қайта молиялаш ставкасини йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдиганини маълум қилди. Бу банкларнинг кредитлар бўйича ўтрака фоиз ставкаси янада ошишига сабаб бўлди. 2019 йилнинг биринчи чорагида банк кредит ставкаси 23,4 фоизни ташкил

қилди. Истеъмол кредитлари эса айрим банкларда 30 фоиздан ҳам ошиб кетди. Бу яқин йиллардаги энг юқори кўрсаткичидир. Имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкаси ўтрака 5,9 фоизга етди. Бу имтиёзли кредитлар нахки бозор нариҳидан 4 баробар, қайта молиялаштириш ставкасидан эса қарийб 3 баробар паст деганидид.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон кредит фоизларининг юқорилиги бўйича дунёда етакчи ўтранда туради. Фақат Бразилия, Мадагаскар, Гамбия, Аргентина, Тоҷикистон ва Мозамбикда бундан бир оз юқорироқ кўрсаткич кузатилиди, холос. Банк фоиз ставкаларининг бундай юқори қўймати кўлгуб бизнес ва истеъмолчиларнинг қарз олишига имкон бермаяпти. Ёки тадбиркорлик муҳити ва иш юритиш хавф-хатарларининг янада ошишига олиб келмоқда.

Тан олиш керак, банк кредит фоиз ставкасининг бундай юқори даражада бўлиши мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириша жиддий тўсик бўлаётган омиллардан бирига айланмоқда. Фоизларнинг юқорилиги сабаб, ҳали бизнесини эндиғина ўйла қўйиб-кўймаган, тетапоя босқичидаги айрим корхоналарнинг банкрот бўлишига, оддий айтганда, синишига ҳам сабаб бўлаёттир. Чунки кредит

олган тадбиркор фолиятининг учинчи ёки тўртинчи оидидан бошлаб банкка кредит ва фоиз ставкалари тўловини амалга ошира бошлаши лозим. Банк учун эса корхонанинг фойдага кирган-кирмаганинг мутлақо қизиги ўйқ. Банкрот бўлишингиз ҳам уларни умуман ташвишлантиримайди. Чунки у ёқда олган кредитнинг қийматидан да юқори нархда баҳоланган гаровингиз турбиди. Шартнома тузилган, шартларни бажаришга мажбурсиз, акс ҳолда банк бор-будингини тортиб олади.

Мана шундай шароитда ҳар қандай кишининг хаёлида ислом тартиб-қоидалари асосланган кредитлардан кенг миёсда фойдалансам бўлмайдими, деган фикр-мулоҳазалар пайдо бўлиши шубҳасиз. Бундай тартибда ишлайдан банклар сизга кредитни фоиз кўрнишида эмас, балки фойдангизга шерик сифатида беради. Сиз берилган молиявий ёрдамдан қанча кўп даромад кўрсангиз банкнинг фойдаси ҳам шунга яраша ошиб бораверади. Бундан кўриниб турибиди, банк ҳам сизнинг бизнесингиз янада ривожланшидан, фойдангиз ошишидан манбаатдор.

Маълумки, ҳар қандай тадбиркорлик, энг аввало, таваккалчиликка асосланади. Исломий тартиб-қоидалар асосида ишлайдан банклар кредит олиб фоалиятини ҳамон тўғри ўйлга кўйлаётган корхоналарга ўз мутахассисларини жалб қилиб, унинг ёқеъ туриб кетишига ҳам яқин кўмакчи, маслақдош бўлади. Агар шундай йўл тутмаса, банк тадбиркорга берган пулидан айрилиб қолиши ҳам мумкин. Қолаверса, исломий банк тизимишини ривожланган давлатлarda аҳоли ўз ҳошини билан кўлида бўш турган маблағларини реал иқтисодиётга жалб қилиш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳам мамлакат иқтисодиёти, ҳам аҳоли фаронлиги юксалишига сезилари даражада таъсир кўрсатади.

Соҳа мутахассислари бугун мамлакатимизда ҳар бир корхона олдига экспортни ривожлантириш талаби кўйилаётган бир шароитда ўзбекистонда ҳам ислон банк-молия тизимини таъмиллаштириш мухим аҳамиятга эга эканини таъкидлашмоқда. Чунки ислом тартиб-қоидалари

асосида олинган кредит ҳисобига ишлаб чиқарилган "Ҳалол" стандартидаги маҳсулотларга нафакат мусулмон давлатлари, балки Ғарб давлатларида ҳам талаб ошиб боряпти. Дунё ахолисининг салкам тўртдан бир қисмини мусулмонлар ташкил қилишини инобатда олсан, бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш қанчалик мухимлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлар ва аҳолига ислом дини мъеълрлари асосида хизмат кўрсатувчи молиявий муассасаларни ташкил қилиша ишлари бошланган. Айни пайтда "Hi-Tech Bank" мутасаддилари ана шу йўналишда ривожланган давлатлар таджрибаларини чукур ўрганиб, "Исломий дарнча" лойиҳасини яратди ва амалиётга тадбиқ этди. Банк бу борада AlHuda CIBE (Center of Islamic Banking and Economics) ҳалқаро ташкилот томонидан сертификат билан ҳам тақдирланди.

— Жаҳон тажрибасида си-

2019 йилнинг биринчи чорагида банк кредит ставкаси 23,4 фоизни ташкил қилди. Истеъмол кредитлари эса айрим банкларда 30 фоиздан ҳам ошиб кетди. Бу яқин йиллардаги энг юқори кўрсаткичидир.

налган, қатор афзалликлари билан тан олинган ислом банк хизматлари бугунги кунга келиб нафакат араб давлатлари, балки Америка, Осиё ва қатор Европа мамлакатларида ҳам кенг кўлланилмоқда, — дейди банк бошқаруви раиси Барҳаётжон Сатторов. — Бундай банк хизматларининг ташкил этилиши мижозларимиз томонидан илиқ кутиб олинди. У шериклик, мижоз бизнесига аралашмаган ҳолда мақсадли, қайтариш ва тўловлиник, даромад ҳамда таъминланганлик таъмойилларига асосланган ҳолда молиявий маблаг ажратиш орқали ҳамкорлик

килишни назарда тутади.

"Hi-Tech Bank" томонидан тақдим қилинаётган исломий молиялаштириш лойиҳасига кўра, мижоз бизнес-режасига асосан лойиҳанинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорини ўз ҳисобидан шакллантиради. Колган 75 фоизи эса банк томонидан қопланади. Молиялаштириётган лойиҳа қонун ҳуҗжатларида таъкидланган фаолият турлари, шунингдек, алкоголь, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиши, қимор ўйинлари жа шаърий ҳаром ҳисобланган фаолият турларига сарфланмаслиги лозим.

Молиялаштириш банк ва мижоз ўртасида биргаликдаги ҳамкорлик бизнеси тамоили асосида оширилиб, даромад шериклик асосида кўшган хиссасига қараб, тегишли улушларда таъсиланади. Содда қилиб айтганда, мижоз, яъни тадбиркор олиб бораётган фаолиятидан кўрган даромадни келишилган суммада банк билан баҳам кўради. Тадбиркор шартномага асосон ҳар ойда олган кредитига фоиз тўламасдан, бизнесидан кўрган фойдадан улуш тўлайди. Мободо кредит маблагидан белгиланмаган мақсадларда фойдаланилмаса, банк мижоздан маблагини муддатидан оддин қайтариб олади ва шартномани бекор қиласди. Үмуман, исломий молиялаштиришнинг афзаликлиридан энг муҳими, банк билан мижоз ўртасида тузилган фойда томонлар таъминотдаги имтиёзлар, кўзда тутилган даромадни ойма-ой тенг таъсиланган ҳолда қайтарилиши, мижоз фаолиятининг суверенитетини таъминлайди. Бирорта муаммо юзага келса, ўзаро манфаатли музокаралар утказиши, пена я жарима тўловларисиз ҳал қилинади.

Тўғри, ислом банк-молия тизими фаолиятини ҳам беками кўст, камчилликлардан холи деб бўлмайди. Чунки бу соҳа ҳали тўлиқ ўрганилмаслиги. Бунинг учун аввало ислом банки тизимини чукур тадқик этиш, мутахассислар тайёрлаш ва унинг хукукий асосларини яратиш мухим аҳамиятга эга.

■ Равшан МАҲМУДОВ,
"Milliy Tiklanish" мұхбари

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ:

КҮП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

“

“Яхши анъанага айланган доимий учрашувларимиз Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги күп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга мустаҳкам асос яратди”.

”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг тақлиғига биноан 31 июль — 1 август кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган расмий ташрифи якуннада оммавий ахборот воситалари вакилларига шундай бәнёт берди.

Ҳақиқатан ҳам, дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтган музокараларда иккى томонлами муносабатларнинг долзарб масалалари мухоммад қилиниб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли янги вазифаларни бөлгилаб олинид. Ташриф асносида эришилган келишувлар сиёсий, савдо-иктисодий, инновацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликниң кенгағтиришга қаратилган.

Ушбу расмий ташрифнинг ўзига хос ҳусусиятлари мұхтасар тұхталиш мақсада мүнисифиді.

Ташрифнинг бириңчи ҳусусияти — бу Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлары тарихида мамлакатимиз раҳбари томонидан пойтҳа ва қаҳрамон шахар Минскта амалга оширилган бириңчи расмий ташриф эканидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур ташрифи Президент Александр Лукашенконинг 2018 иили сентябрь ойда Тошкентта амалга оширган расмий ташрифига жағов визити бўлди.

Экспертлар ташрифа яқдиллик билан жуда юқори баҳо бердилар. Уларнинг фикрича, Беларусь Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи дўстона муносабатларни мустаҳкамлаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусга расмий ташрифи ўзаро амалий алоқаларни сифат жиҳатидан янги погонага кўтарди.

Ташрифнинг иккичи ҳусусияти — у ўзбек-белорус муносабатларининг барча йўналиши, жумладан, иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларни қамрап олди. Ташриф якунлари бўйича 11 та ҳужжат имзоланган ҳам унинг қанчалик самарадор бўлганини ва амалий натижаларга йўналтирилганини тасдиқлайди.

Ташрифнинг учинчи ҳусусияти — иккى томонлами муносабатларни тархида янги саҳифа очгандир. Янни, Президентимиз ташаббуси билан ташриф доирасида Худудлараро бириңчи формат бўлбайти. Форумдаги Ўзбекистондан Тошкент шахри ва 9 та вилоят делегациялари иштирок этди. Юртимиз ҳудудлари билан Беларуснинг Брест, Витебск, Гомель, Гродненск, Могилёв каби бир қатор вилоятлари ўртасида ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

Шу тариқа ҳудудлараро ҳамкорлик иккى давлат муносабатларининг таркибий қисмига айланди. Бунда, шубҳасиз, ташрифа пухта тайерларни кўринган ва унинг дастури оқилюларни ташкилган ҳам мұхим ақамият касб этиди.

Ташрифнинг тўртинчи ҳусусияти — иккى мамлакатнинг маданий ва маърифат соҳасидаги алоқаларини юқсан погонага кўтагрина намоён бўлди. Агар 2018 иили Тошкент шахрида атоқли белорус адаби ва жамоат арбоби Якуб Колас ҳайқали қад ростлаган бўлса, 2019 иили Минске улуг ўзбек шоири

ва мутафаккири Алишер Навоий биёти очилди. Шу муносабат билан машҳур аждодимизнинг бокий ва дилбар мисралари ҳам ўзбек, ҳам белорус тилларida янгради.

Ҳазрат Навоий биёти Шарқий Европа заминида Шарқ мутафаккирига ўрнатилган илк ёдгорлиқидир.

Ташриф доирасида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлбайти. Шу ўринда 2018 иили юртимиздан белорус маданияти ва кинози кунлари ўқказилганини тилга олиш лозим.

Айниқса, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди билан тайёрланган миллий маҳсулотлар кўргазмаси Беларуснинг барча ҳудудларидан келган ишбильарномон доиралар, савдо ва саноат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ёзтиборини жалб этди. Кўргазмада мамлакатимизнинг 10 та вилоятида фаолият олиб борадиган 80дан зиёд корхонада ишлаб чиқарилган 1000дан ортиг маҳсулотлар наимоиш этилди.

Мустақиллик йилларида Беларусь спорт соҳасига катта маблағларни йўналтириб кельмоқда. Мамлакат пойтхатида қад ростлаган “Минск-Арена” Европа ёзтиасинида энг замонавий спорт саройларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 2014 иили хоккей бўйича жаҳон чемпионатининг асосий йўйинлари ўтказилган.

Ташрифнинг бешинчи ҳусусияти — парламентларро муносабатлар ривожига катта турткি бенгандир. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Беларусь Республикаси Миллий Кенгаши йортасидаги фаол мұлоқотни олиқшадилар.

Музокараларда давлатлараро муносабатларнинг мұхим таркиби қисми сифатида парламентларро ҳамкорликнинг янада ривожланishi ва чукуралишига ишонч билдирилди. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Беларусь парламентлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг локомотивига, яъни етакчи кучига айланиши керак.

Бугунги кунда ҳар иккى мамлакат парламентларида дўстлик гурухлари фаолият кўрсатмоди. Шунда ҳам ёзтироф этиш жоизи, Беларуснинг қонунчилик тажрибаси сазовор.


Хусусан, ушбу мамлакатда Таълим кодекси ишлаб чиқилган ва самарали ишламоқда. Натижада Беларусь талабалар миқдори бўйича Европада етакчи ўриниларда туради. Мамлакатда олий таълимнинг нуғузи билан табриклиди.

Маълумки, Минск 1944 йил 3 июлда озод этилган. Шу сана мамлакатда Мустақиллик куни билан этилди.

Иккичи жаҳон урушида ўзбек ва белорус халқлари бирга, елкама-елка туриб курашган. Беларусни боқсинчилардан озод қилиш пайтидаги жангларда ҳало бўлган 3 нафар ўзбек ҳанжчиси — Равшан Махмудов, Аблакул Узоқов ва Сафар Хушназаровга “Совет итифоқи Қаҳрамони” увони берилган. Белоруслар матонатли ўзбек ўғлонларини ҳали ҳам эслашади.

Ўша оғир даврда яшаган иккى замондош ва жаҳонда ўзбек аёл — Анастасия Купрянова билан ўзбек Зулфия Зокированинг таъдири ҳам бир-бира гута ва ўхшашдир. Матонат тимсолида бўлмиш ҳар иккى аёл урушида беш нафардан бўлмасдан жудо бўлган. Ўғлонларининг барчиси жанг майдонларида жон берган. Айни пайтада Тошкент шахрида Ғалаба бояги бунёд этилмоқда. Бу ерда Зулфия Зокировага ҳайкал кўйилади.

Уруш йиллари Ўзбекистонга юзга яқин миллатга мансуб 1,5 миллион киши, жумладан, 300 минг нафар бола, 78 та болалар



ларини ривожлантиришга қулад мұхит яратиш, шу орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатардошлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. 2014 йилда унга қатор имтиёзлар берилшиб, фаолият йўналишлари кенгағтирилган.

Бугунги кунда мазкур парк дастурлаш, ахборот технологиялари, иқтисодиёт тармоқлари учун инновацион ечимлар, консалтинг ва бошقا йўналишларда етакчи марказлардан бирига айланган. Бу ерда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг 90 физидан зиёди экспорт қилинмоқда, 67 мамлакат компаниялари уларнинг буюртмачилари ҳисобланади.

Бу ҳақда сўз боргандага, Президент Александр Лукашенко Рақамли технологиялар тўғрисидаги декретин 1997 йилдаёт имзолаганини таъқидлаш лозим. Бинобарин, эндиликда Беларусь дунёнинг юқори ахборот технологиялари жадал ривожланётган давлатларидан бирига айланган.

Шу маънода, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко Йўнанинг Кўшима баёнотида бу соҳадаги ҳамкорликка aloҳида этибор қаратилган беъзимас.

Президентлар ўртасидаги музокараларда мұхоммад қилинган мұхим масалалардан яна бири — Ғалабанинг 75 йиллиги мавзуудир. Давлатимиз раҳбари Президент Александр Лукашенко тимсолида белорус халқини Минск фашистлардан озод қилинганинг 75 йиллиги ва Мустақиллик куни билан табриклиди.

Маълумки, Минск 1944 йил 3 июлда озод этилган. Шу сана мамлакатда Мустақиллик куни билан этилди.

Иккичи жаҳон урушида ўзбек ва белорус халқлари бирга, елкама-елка туриб курашган. Беларусни боқсинчилардан озод қилиш пайтидаги жангларда ҳало бўлган 3 нафар ўзбек ҳанжчиси — Равшан Махмудов, Аблакул Узоқов ва Сафар Хушназаровга “Совет итифоқи Қаҳрамони” увони берилган. Белоруслар матонатли ўзбек ўғлонларини ҳали ҳам эслашади.

Ўша оғир даврда яшаган иккى замондош ва жаҳонда ўзбек аёл — Анастасия Купрянова билан ўзбек Зулфия Зокированинг таъдири ҳам бир-бира гута ва ўхшашдир. Матонат тимсолида бўлмиш ҳар иккى аёл урушида беш нафардан бўлмасдан жудо бўлган. Ўғлонларининг барчиси жанг майдонларида жон берган. Айни пайтада Тошкент шахрида Ғалаба бояги бунёд этилмоқда. Бу ерда Зулфия Зокировага ҳайкал кўйилади.

Уруш йиллари Ўзбекистонга юзга яқин миллатга мансуб 1,5illion киши, жумладан, 300 минг нафар бола, 78 та болалар

уйи кўчириб келинган. Ўзбек оиласири 4 минг 500 нафар етим болани асраб олганлар. Уларнинг орасида белоруслар ҳам кўпчиликни қайтасида ташкил кылган.

Яна бир мұхим далил: 1966 ийли юз берган Тошкент зилзиласидан сўнг пойтхатимизни қайтадан тикилаш ишларига 2 минг нафар белорус курувчиси ҳисса кўшган.

Ташрифнинг бир қадар самарадорлиги, бир томондан, иккى Президентнинг яқин алоқалари ўзаро хурматта ишончга асосланған, иккичи томондан, улар доимо бир-бирларини кўллаб-куватлаб келётганди билан боғлиқ, деб ўйлаймиз. Натижада иккى томонлами муносабатларни ривожлантириши борасида янги истиқболлар оличимоқда.

Кейиннинг даврда Президентларнинг сийёси хоҳиш-иродаси туфайли ўзаро муносабатларни янги погонага кўтарилиди. Ҳусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу борада “Ийн ҳаритаси” қабул қилинди. Ушбу ҳужжатдан жой олган 55 та чора-тадбирнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилшида давлатларига раҳбарнинг шахсан назоратида турибди.

Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги ҳамкорлик том маънода самарадор ҳамарлигида эришида иккى Президентнинг pragmatik ёндашуви катта аҳамиятга эгадир. Бунда уларнинг қарашларидаги яқинлик ҳам катта ўрин тутиди.

Халқ фарононлиги, тинчликсевар ташкил сийесат, миллий ҳафзлилар — белорус тараққиётининг уч таянг устинидир. Айни шу устувор вазифалар Ўзбекистони яқин беш йилда ривожлантиришга қаратилган Ҳаратлар стратегиясида ҳам ўз аксими топган. Шу билан бирга, давлатимизнинг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари билан белорусларнинг “Соғлом шахарлар ва қишлоқлар” ташаббуси ўзаро яқин ва ўхшашдир.

Аксарият эксперталарнинг фикрича, кейинги 25 ийл мобайнида бундай яқин ва фаол ҳамкорлик кузатилмаган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан иккى томон сийесат “дипломатик йўллар” очилди.

Бунинг самарадарини иқтисодиёт соҳадиги рақамлар орқали ифодалайдиган бўлსак, кейинги бир неча йил ичидаги мамлакатларимиз ўртасидаги товар айрбосараш ҳажми қарий 4 баробар ошган. Бу кўрсаткич 2016 иили 112 миллион доллардан иборат бўлгани ҳолда, 2018 иили 420 миллион долларга етган.

Ҳар иккى давлат раҳбарлари таъбири билан айтганда, ўтган 3 июнда мумлакатларимиз ўзаро муносабатларни охирги йиллардаги энг юқори кўрсаткичга чиқди. Бу ижобий тенденция жорий йилда ҳам давом этмоқда. Биргина Минске ўтган худудлароро форумнинг ўзида иккى мамлакат шахар ва вилоятлари ўртасида умумий қиймати қарий 300 миллион доллар бўлган шартнома ва битимлар имзоланган ҳам буни исботлайди.

Буларнинг барчаси, ўз наебатида, эксперталар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари дўстлик, шерлиқлик ва ишончга асосланған таъқидланмоқда. Ўзбекистон Президентнинг расмий ташрифи бу борада янги ўғларни оғлан тарихий воқея сифатида ўтироф этилмоқда.

Акмал САЙДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик
институтлар, нодавлат ташкилотлар ва
Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари қўмитаси раиси,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси



СУВ ТАНҚИСЛИГИ

Ўзбекистон сув хўжалиги вазири, Республикада хизмат кўрсатган



— 2018 йил 12 февралда Сув хўжалиги вазирлиги ташкил қилингач, мазкур тизимни ислоҳ қилиш бўйича Президенттимизнинг 4 та, Вазирлар Маъжамасининг 12 та қарори қабул қилинди, 20дан ортиқ турли меъёрий-хукуқий хужжатлар, чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Мазкур хужжатлар икроси билан тизим фаолиятида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?

— Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотларга мос равишда сув ресурсларидан фойдаланиш сиёсати ҳам замон талабларига мос ўзгармоқда.

Сув ресурсларини бошқариша ирригация тизими бошқармаларининг фаолияти йўлга кўйилиб, тартибга солинди. Вазирлик тизимидаги хизмат муддатини ўтаган 299 та насос станцияларини босқичма-босқич модернизация қилиш, алмаштириш ва автоматлаштириш бўйича чоралар кўрилиши белгиланди.

Коюе халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОҲСА)нинг грант маблаги эвазига мамлакатимизнинг асосий сув объекtlariiga замонавий "Smart Water" ("Ақлли сув") тизими жорий қилинмоқда. Лойихага кўра, 61 та обект (16 та сув омбори ва 45 та канал)га манбадаги сув сарfinи реал вақт режимида (онлайн) кузатиш имконини берувчи тизим ўрнатилади.

"Smart Water" тизимининг замонавий курилмалари объектдаги сув сарфи, об-ҳаво, ёғингарчилик ва бошқа маълумотларни фото ва видеоматериаллар шаклида онлайн режимда автоматик тарзда вазирлиқда ташкил этилган ягона мониторинга кузатув марказига узатиб туради. 2022 йилгача ушбу тизимни 400 та сув олиш нутқаларига жорий қилиш назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг сув хўжалиги катта ва жуда мураккаб комплекс. Мамлакатимизда 60га яқин сув омбори бор. Давлатимиз раҳбари ташабуси билан жорий йилда умумий сифими 125,9 миллион метр куб бўлган бешта сув омбори курилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги "Деҳқонобод" сув омборининг ҳажми оширилиши орқали бу ерда 25,5 миллион метр куб сув тўплашга ўзишилади. Шунингдек, ушбу вилоятда Гулдарса, Аяқчисой, Сурхондарё вилоятида Хонгарансой, Самарқанд вилоятида Булунгур сув омборлари барпо этияпти. Ушбу сув омборлари ишга туширилган кўшимча 20,6 минг гектар майдонни сув билан баркарор таъминлаш имкони яратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ги қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси, мамлакатимиз сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳам ишлаб чиқил-

моқда. Уларни тайёрлаш жараённида вазирликнинг эксперт гуруҳи ўндан ортиқ ривожланган давлатларнинг сув хўжалигига оид қонун ва кодексларни, тажрибаларини ўрганди. Мазкур иккى ҳуҗжат тизимдаги жуда кўп бўшилларга барҳам бериши, бир бутун тизимини ҳаракатлантириши масҳад қилинган.

— Мамлакатимизда сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига сарфланар экан.

— Тўғри, бугун мамлакатимизда асосий сув иштимолчиси — қишлоқ хўжалиги. Унинг қолган қисми коммунал хўжалигига — 4,2 фоиз, энергетикага — 2,3, саноатга — 1,3, балиқчилик хўжаликларига — 1,2 ва бошқа соҳаларга 1 фоиз миқдорида тўғри келади.

Бугун Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиши бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувнинг умумий миқдори ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан йилига 64 миллиард метр кубдан ўртача 51 миллиард метр кубгacha камайтирилди.

Жорий йилда республикамизда биргина пахтаник соҳасида 12 минг 121 гектар майдонда томчилатиб сувориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 20 минг гектардан зиёд интенсив бот ва токзорларда томчилатиб сувориш технологиясини жорий қилиш кўзда тутилган.

Айни пайтда 188 та фермер хўжалиги ва 11 та агрокластер ташкилотларига томчилатиб сувориш технологиясини жорий этиш учун тижорат банклари 83,9 миллиард сўм кредит ахратди. Бугунги кунга келиб, 11 минг 437 гектар (режага нисбатан 90 фоиз) майдонда курилиш-монтажи ишлари амалга оширилмоқда. Шундан жами 10 минг 341 гектар майдонда бу ишлар якунланди.

Ёмғирлатиб сувориш технологияси, бу йил 1 минг 156 гектар майдонда жорий этилди. Жумладан, Тошкент вилоятida 500 гектарда "Спринклер", 332 гектарда "Пивот", 140 гектарда "Фрегат" агрегатларидан фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминлашда янги замонавий автоматлаштирилган юқори самарадорликка эга комплекс сувориш тизими — "Пульсар" (ёник қувур орқали сувориш тизими) технологиясини жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиляпти. АҚШнинг "Silverleaf BMB Agro Trade Group" компанияси ушбу технологияни Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида 2 минг гектар майдонда жорий этаётди.

Булардан ташқари, республика-мизнинг нисбатан кам ёғин ёғадиган ва ҳаво ҳарорати юқори худудларида тупроқ остидан сувориш технологиясини жорий қилиш бўйича ҳам тавсиялар тайёрланмоқда. Айнан тупроқ остидан сувориш технологияси Андижон ви-

лоятида 3 гектар майдонда синовдан ўтказиляпти.

— Сўнгги иккى ярим йил ичida қўшни давлатлар билан алоқаларимиз ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланди. Бу республикамиз қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда яхши самара беришига ишонгимиз келади...

— Президенттимизнинг оқилона сиёсати туфайли қўшни давлатлар билан йўлга кўйилган ўзаро дўстона ва ишончили алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегарвий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга ҳам мустаҳкам замин яратди. Хусусан, қўшни давлатлар билан сув хўжалиги соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида иккى томонлама Иши гуруҳлар тузиб, келишувларга эришмоқдамиз. Марказий Осиёнинг Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси (МКВК) доирасида ҳам ҳамкорлик амалга ошириялтипи.

Аниқ фактларни айтаман: Қозогистон билан 2017-2018 йилларда Чордара сув омборидан Айдарқўл ва Арнасой сув омборига жами 3,2 миллиард метр куб сув олиди. Сув танқис бўлган 2018 йилда "Дўстлик", "Зах", "Хоним", "Катта келес" ва бошқа трансчегарвий каналлардан ҳамкорликда фойдаландик. Ёки Қирғизистон билан эришилган келишувлар натижасида 2017-2018 йилларда Катта Наманганд, Чап кирғоқ-Норин каналларида барқарор сув таъминоти амалга оширилди, Фарғона водийси вилоятларининг Қирғизистон билан чегара минтақасида жойлашган сув хўжалиги объекtlariiga ходимларнинг ўтиб-қайтиши масаласи ҳал қилинди.

Туркманистон билан ҳам сув хўжалиги масалаларида мунтазам ҳамкорлик қилиб келинади. 2018 йилнинг сувориш мавсумида Амударё ҳавзасида кучли сув танқислиги кузатилганингига қарашмасдан, иккى давлат ўртасида тузилган Идораларор битимга асосан Амударёнинг сув ресурсларини тўлиқ, Туркманистонда жойлашган Ўзбекистонга қарашли сув хўжалиги объекtlariiga узлуксиз виетлаштиришни ўтказиши.

Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасида сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиши масалалари бўйича Иши гуруҳ тузилган бўлиб, унинг учта ийғилиши ўтказилди. Учрашувлар давомида трансчегарвий сув ресурсларини бошқариша ўзаро манфаатларни хисобга олган ҳолда ҳамкорликда ҳаракат қилиш, бу борада тегишли мәълумотларни алмашишга келишиб олинди.

Жорий йилнинг 19 апрель куни Тошкент шаҳрида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг навбатдаги 76-ийғилиши ўтказилди. Ийғилишда жорий йилги

МУҚАРРАР ҲОДИСА

ирригатор Шавкат ҲАМРОЕВ "Milliy tiklanish" Мұхбири саволларында жағоб беради

вегетация даврида Сирдарә ва Амударә ҳавзаларидағы давлатларнинг сув олиш лимитлари ҳамда Амударә ҳавзасидагы сув омборларининг ишлаш режимінің прогності тақділданды.

— Ҳар қандай инсон ўз танланған соҳасынинг фидойи мұтахасиси бүлиб етишишида, албатта, китобнинг ўрни бекітсі. Шу ўринде бадий китоблар үйіншіга ҳам бүшінген топа оласызы? Қайси асар қаҳрамонининг кечинмелары хотирангизда мұстақамланиб қолған?

— Китоб үйіншінің шылдигімден яхши күраман вәхірде ҳам мұтолаа учун вакт топаман. Рэй Брэдбериңін "Фаренгейт бүйічін 451 градус" деб номланған илмій-фантастик аса-рида илгари сурілған ғоялар, Митч Элбомнинг "Вақт ҳукмдори" асарида вакт кадри — ҳаёт қадрга тенглиги ҳақидагы хүлесалар, Ник Вуйчичнің "Жизнь без границ: Путь к потрясающе счастливой жизни" асарида ма-

тонатли түрмуш тарзи, бағтага әлтүвчи йүл қақидагы қарашибел мендә күчли таассурот қолдирған. Үзбек адилтерінің қам күп асарларини, замондоштарымыз тұғрысидеги китобларның үйіншінен вәлар орасыдан әнг яхши-

оиласа үйінші қос туттган ўрни. Шу ўринде оиласа бошынғы сифатыда сез амал қыладыған қандай қонун-қоидаларни бошқаларға ўрнак қилиши мүмкін?

— Ота фарзандларында барча соҳада

Хаво ҳароратининг күтарилиши
натижасыда қышлоқ құжалик экінларини
суғориш мөъёллари 2030 йилга бориб
5 фойзга, 2050 йилга бориб эса 7-10
фойзгача ошиши таҳмин қилингапты.

ларини бошқаларға ҳам тәвсия қилиб бораман...

— Менталитеттімизге қос хүсусияттардан бири — отанинг

ўрнак бүлиши лозим. Фарзандлар отасыннан юриш-турши, жамиятда, махалла-күйде үзини тутиши, қарин дошлар, күни-күшниларға мұносаба-

тидан андоза олади. Ота китоб үйіса, бола ҳам күлиға китоб олади. Ота спорт билан шүғулланса, болалар ҳам соғлом түрмуш тарзига амал қилаади. Ота вактдан самаралы фойдаланса, фарзандлар ҳам бекорға санқиб-сан-дирақлаб қормайды.

Түрмуш ўртоғым билан иккі қызы, бир ўғынын тарбиялапмиз. Уларға күпрок вакт ажратыла интилизис, улар билан сұхбатлашиб, філк алмашамыз, кезін келгандан насиҳат қыламыз. Мен фарзандларымға доим бир гапни айтаман: сув тирик организмларни нағағат суғоради, балқы улар бүйілаб ахборот ташыйди. Айнан сув воситасында тирик жисм органдары бир-біріннен қолатын да бохабар бүлиб, қандай функциялар зарурлығын билиб туришади. Шунинг учун инсонлар қандай бүлса, сув ҳам шундай бүләди.

■ Дилфузә МАҲКАМОВА
сұхбатлаши

Давра сұхбати

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРПИК КЕНГАЙТИРИЛДИ

партия маҳалла институты ваколатларини янада кенгайтириш тарафдори

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашы Фуқароларнинг ўзини өзі бошқарыш органлары фаолиятін мұвоғиқлаштириш бүйічі республика кенгашы билан ҳамкорликта "Аҳоли мұаммолары билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини янада ошириш" мавзусыда давра сұхбати үткәзилди.

Үнда партия фракциясы томонидан тайёрланаётган янги таҳрирдагы "Фуқароларнинг ўзини өзі бошқарыш органлары тұғрысиси" ги қонун лойиҳасын алоқида әзтибор қаратылды. Лойіхада фуқаролар ынғынлары фаолиятта оид норматив-хуқуқий үзілшемдер имкон қадар қысқартылды, умумыт түсдеги, ҳаракатсиз қонуналар қайта күріб үзілшемдер ҳамда әскерлік меморандумлар бартарап этилади. Фуқаролар ынғынлары органларыда "замонави менежмент" тизимини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолият йұналишлары, вазифалары ва жағобарлық доирасы аниқ белгілілімдө, мұтасадді давлат органлары мурожаатлары күриб үзілшемдер тарбият-тәсілларда мұстақамламақ. Фуқаролар ынғыннан раисининг іхтимоми ҳимоясы, улар фаолияттін кәмолаттары белгіләнді.

— Бундан беш ылдам мұкаддам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясы сайловолды Платфор-



масида маҳалла тизимини янада тақомиллаштириш, уннинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мұстақамлаш вазифасы илгари сурілған эди, — деді партия Марказий кенгашы раиси ўринбосары Нодиржон Мухторов. — Ўттан давр ичіда бу борада бир қатар ишлар амалға оширилди. Партияның Олий Мажлис Қонунчилық палатасындағы фракциясы томонидан маҳалла институтине ривожлантириш қаратылған норматив-хуқуқий үзілшемдер тайёрланды.

Давра сұхбатында Ўзбекистон учун анъанавий бүлгелі ахлоқий, мәннавий ва диний қадриятларни күлләб-куватлаш ҳамда ҳимоя қылыш мұхым масалә эканы яна бир бор тақылданды. Бунинг учун эса жамият ва ҳалқ ман-

фаатларини түрли тақдид, тажовузлардан ҳимоя қылыш, ахолининг барча ижтимои түрліліктерінде мағнавияттінің үксалытушынан лозим.

Тадбирда ЎзМТДП ҳамда Фуқароларнинг ўзини өзі бошқарыш органлары фаолияттын мұвоғиқлаштириш бүйічі республика кенгашы юқоридағыдең мұхым вазифалары ҳамкорликта амалға оширишга келишиб олды. Үнга мұвоғиқ, кексалар ва фархайларға оид норматив-хуқуқий үзілшемдер түрлілік, кекса авлод вакыларнан инжимтимои ҳимоясинаңын янғын босқынча күтариш үткәзілди. Ўзбекистон Республикасы Президенттін "Аҳоли мұаммолары билан ишлеуде маҳалла институтине мавқеини түрліліктерінде ошириш чора-тадбирлары тұғрысиси" ги фарзанды белгілілік вазифалар ихроси үзасидан жамоатчилик, депутаттык ва парламент назоратини үрнәтиш янада күтайды.

Тадбир сүнгіда иштирокчиларни қызықтырған барча саволларға жағоб қайтарылды. Маҳалла институтини күтайды үткәзілік вазифаларынан ғибадаттың мұлоқаударлар ассоциациясында партияның тақлиф тарбият-тәсілларында ишлаб үзілшемдер түрліліктерінде ошириш чора-тадбирлары тұғрысиси" ги фарзанды белгілілік вазифалар ихроси үзасидан жамоатчилик, депутаттык ва парламент назоратини үрнәтиш янада күтайды.

■ Р.Махмудов,
"Milliy tiklanish" мұхбири

САЙЛОВДА НЕГА ПАРТИЯ ФОЯСИГА ЭМАС, ШАХС МАВ҆ЕИГА ТАЯНАМИЗ?

Бугун демократик қараашлар мустаҳкамланыётган бир даврда жамоатчилук назорати, журналистлар ушбу саъи-ҳаракатнинг асосларидан бури сифатида иштирок этиши назарда туттилмоқда. Сўнгги йилларда жамиятимиз тараққиётнинг янги босқичига кўтаришди, муаммолар рўй-рост, очиқ-ойдин айтила бошланди. Бундай сўз эркинлигининг шабадалари, дастлаб, Интернет сайплари, турли ижтимоий тармоқларда бошланди. Ушбу жараёнда ўзининг ўткир қараашлари, кескин фикрлари билан омма эътиборини тортган, кези келса кенг миқёсдаги муаммоларга ечим топилишига турткы бўлган блогерлик институти пайдо бўлди.

"Миллий тикланиш" газетаси ўз фаолиятини янги қиёфа, шаки ва мазмунда давом эттирас экан, ана шундай мустақил фикрлайдиган блогерларга кенг ўрин беришга қарор қилди. Бу янги лойиҳа давомий бўлиб, газетамизниң ҳар бир сонида кўзга кўринган блогерларнинг долзарб мавзулар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эълон қилиб борилади.

Лойиҳанинг бу галги иштирокчисига қўйидагича савол билан мурожаат қилдик:

— Ўзбекистонда сайлов жараёнида кўпроқ партия учун эмас, шахсларга овоз бериш одатга айланган. Хориж тажрибасида эса кўп ҳолатларда сайловчиликлар алоҳида шахсга эмас партия ва унинг ғояларига овоз беришга ўрганган. Бу ҳолат қандай омилларга боғлиқ, деб ўйлайсиз?



Газетамиз билан ҳамкорлик қилишини истовчи блогерлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фаол журналистларни ҳамкорликка чақирамиз.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухабири
Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

— Тасаввур қилайлик, бир ҳудудда футбол анчадан бери "ўлик", ҳудуднинг бosh футбол жамоаси ҳам неча йиллардан бўён кучисизлар қаторида. Лекин янги йилдан жамоада бирдан кучли (маоши ҳам шунга яраша) футболчилар пайдо бўлиб қолади, шароитлар яхшиланади; ўтган йили сафар ўйинларига боришга пул топлай юрган жамоа кутилмаганда хорижда ўкув-машгулот йигини ўтказади. Орадан ярим йил ўтар-ўтмай яна "эски ҳаммом, эски тос" — кучли футбольчилар ҳам жамоани ярим йўлда ташлаб кетган, йил бошидаги ғолиблик ҳақидаги ўйлар йўққа чиқсан, фарроша тўлашга ҳам пул йўқ...

Сабабини сурншитирсангиз, янги йил арафасида ҳудудга янги, жумладан, футболга қизиқадиган ҳоким тайинланган бўллади. Шу қизиқишининг ортидан у ҳудудда, жумладан, футболни ҳам кўтаришга уринади, нималадир қиласи ҳам. Олти-етти ойдан кейин эса у бошқа исха ўтиб кетади (ёки умуман сиёсатдан четлатилади), унинг, хусусан, футбол соҳасида бошлган ишлари ҳам ўлда-жўлда қолади...

Нега шундай? Футболни ривожлантириш бўйича мамлакат раҳбарияти ҳам, ҳукумати ҳам кўплаб ҳужжатлар қабул қилган. Ўша ҳужжатларда белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилса, кўйилган талабларга вижданон амал қилинса, раҳбари футболга қизиқса-қизиқмаса ҳар бир ҳудудда футбол ривожланавериши керак аслида. Йўқ, барни шахсга (айни ҳолатда — раҳбарга) боғлиқ — агар шахс футболга қизиқса, мамлакат раҳбарияти ва ҳукумати қарорларидан унумли фойдаланиб, футболни ривожлантиради. Шахс футболга қизиқмаса, қарорлар ижроси ўлда-жўлда қолади — ижронинг ўлда-жўлда қолмаслигини таъминлайдиган самарали тизим йўқ, бўлса ҳам ишламайди; энг ёмони — аввали раҳбар бошлаган ташаббуслар янгисининг даврида йўққа чиқарилиши ҳам бор.

Ва худи шундай аянчли манзарани бошқа кўплаб соҳалarda ҳам кўриш мумкин: шахс, шахс ва яна шахс. Табиийки, бундай шароитда одамлар тизимга, тизимни қурадиган ташкилотларга ишонмайди, ҳатто уларнинг борлигини билмайди ҳам — фақат шахсга таянади, унинг сўзларини қонундек қабул қиласи.

Шунинг учун ҳам бугун ижтимоий тармоқларда: "Фалончининг номзоди қайси партиядан кўрсатилишининг фарқи йўқ", Олий Мажлисга сайловларда барибир унга овоз бераман", мазмунидаги фикрлар янграомоқда. Ривожланган мамлакатлар учун бундай баёнотлар мантиқсизликдек кўринган бўларди. Ахир, одамларнинг кўзига иқтисодиётни либераллаштириш, импорт чекловларини йўқотиш тараждоридек кўринаётган кишининг номзоди қандай қилиб маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-куватлашдек "юксак мақсад" йўлида халқни камбағаллаштирадиган протекционизмни тарғиб қилувчи консерватив партия номидан кўрсатилиши мумкин? Дарҳақиқат, мумкин эмас. Лекин бизда партиялар ӯртасида бундай фарқларни кўрмайсиз — уларнинг қай бири эркин бозор тарафдори-ю, қай бири протекционист? Аксинча, тадбиркорларнинг ҳимоячиси бўлган партия уларнинг бинолари бузилеётган вақтда маънавият ҳақида гапира бошлашига, маънавий асослар учун курашувчи партия эса маънавият ниқоби остида "запретлар тўлқини" кўтаришганида янги иш ўринлари яратиш ҳақида маъруза ўқишига гувоҳ бўлиш эҳтимоли юқорироқ.

Партияларимизнинг номида "демократик", "либерал-демократик", "социал-демократик" деган кўшимчалар бор, қараб турсанг ҳудди бир-биридан фарқ қиласидек, лекин аслида бир бутуннинг беш қисмига ўҳшайди улар — ҳатто бир-бирини эплаб танқид қилаолмайди, эплаб бир-бирига муҳолифат бўла олмайди. "Номзоди қайси партиядан кўрсатилса ҳам овоз ийғадиган" шахсда эса ҳаммаси аниқ — у нима тарафдори-ю, нимага қарши — барини очиқ айтади, одамлар унинг ниятини билади.

Мақсади аниқ, нияти ойдин бўлган одамга эса ишонса бўлади.



Мухрим
АЗЗАМХЎЖАЕВ,
блогер



АХСИКАС, АХШИЙКАС, ОҚСУВКАТ ёхуд Ахсикент ҳақида биз билмаган ҳақиқатлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 2017 йил 16 октябрда "Наманганд вилоятининг Тўракурғон туманида "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмусини ташкил этиши тўғрисида" ги қарори ёълон қилинди. Тарихчиларнинг эътироф этишича, агар ушбу қарор қабул қилинмаганида, Фарғона водийси, айниқса, Ахсикентнинг узоқ йиллик тарихи изсиз йўқолиб кетиши мумкин эди. Мазкур қарордан сўнг нафақат Наманганд давлат университети тадқиқотчилари, балки Ахсикент тарихи ва унинг илм-фан ривожидаги туттган ўрни билан қизиққан барча илм аҳли учун кенг имконият этиклари очилди. Чунки Ахсикент илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилмас экан, Фарғона тарихи, қолаверса, мамлакатимиз ва дунё тараққиётida муносиб ўринга эта бўлган водий шаҳарлари ўтмиши тўлиқ очилмай қолаверади.

Маълумки, Фарғона водийси шаҳарлари нафакат табиити-нинг гўзаллиги балки, Буюк ипак ийӯли чоррачасида жойлашган савдо-сотиқ маркази, илм-фан, санъат, меъморчилик, диний ва дунёвий фанлар маркази, кашfiётчи мутафаккирлар макони бўлгани билан машҳурdir. Ахсикент эса бу шаҳарлар ичига алоҳида ўринга эта ва ўрта асрларда водийнинг энг сўлим, ўз даврининг йирик илмий марказларидан бири ҳисобланган. Шу билан бирга шаҳар водий илмий мухитида тарбия топган олиму фузалолар ижод уйи сифатида ҳам донг тараттади.

Ахсикент ёдгорлиги — қадимиш шаҳар харобаси. Наманганд вилоят Тўракурғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи худудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Тарихий маълумотларга қараган-

да, Ахсикат шаҳри милоддан аввали 3-2-асрларда вужудга келган, 9-10-асрларда Фарғона водийнинг пойтахти бўлган. 1219 йилда мўгуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. Унинг эски ўрнidan 5-7 километр гарбда бунёд этилган янги Ахсикат эса 14-17 асрларга мансубdir.

Фарғона водийси шаҳарлари номини ўзига нисба қилиб олган олимларнинг илмий мероси, ҳаётни тўғрисида маълумотлар жуда кам етиб келган. "Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиши дирекцияси илмий ходимларни вилоят "Аждодлар мероси" жамоат фонди билан бирга бир неча йил мобайнинда қадимиш кўл-ёзмаларни ўрганиб, Ахсикент депарасида этишиб чиқсан алломалар, уларнинг ҳаётни, ижоди ва илмий меросини тадқиқ

этди. Жумладан, Ахсикатий, Косоний, Маргилоний, Ўзгандий, Фарғонийлар ўз даври-нинг етук олим ва мутафаккирлари бўлгани, уларнинг илмий, бадний салоҳияти ҳалқаро миқёсда эътироф этилганини аниқлади.

Ахсикент — Фарғона минтақасидаги марказий бosh пойтахт шаҳар ҳисобланган. Унинг номи тарихий манбаларда турлича келган. Хоразмий Ахсикас, Беруний Ахшийкас, Ёкут Ҳамавий ва Идрисий Ахсийкас ва бошча тарихчилар ҳар хил кўриннища биттинглар. Заҳиридин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" ва бошча асарларида Ахси, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий" да Ахси, 1030 ҳижрий йилида Ахсикентда бўлган зилзилани ўз кўз билан кўрган Муҳаммад Тоҳун бин Абу ўл Қосим "Ажойи ут Табокат" асарида Ахси деб зикр қиласан. Темурийлар ва Шайбонийлар даврида Ахсикентда зарб қилинган тангалар ҳам "Ахси шаҳрида зарб қилинган" деб ёзилган.

Ахсикент тарихини ўрганиш борасида фидойи олим Тоҳиржон Қозоқовнинг фикрича: "...Ахси сўзининг соф туркий тилдан олинганига шубҳа йўқ. Ахсикент Норин ва Қорадарё қўшилишидан ҳосил бўлган Сирдарё қирғоғида жойлашган бўлиб, Норин дарёсининг қадимига номи "Оқсув" дарё" бўлган. Ўлкамизда булоқлардан бошланган дарёлар "Қорасув", тоғлардан бошланганлари эса "Оқсув" номи билан атаган. Шу боси шаҳарни "Оқсув бўйидаги шаҳар Оқсув кент" деб аталиши гидрономика жиҳатдан тўғри бўлади. Кейинчалик ҳалқ тилида "Оқсувват" Ахсикент бўлиб кетган бўлиши


мумкин. "Кат" сўзи қадимги туркий тилда қаъла, шаҳар маъноларини англатган".

Маърифатпарвар олим Исҳоқхон Ибрат домла "Туркiston вилоятининг газети"да чоп этилган мақолалари ҳамда "Тарихи Фарғона" асарларида ҳижри 1030 са-надаги Ахсикент зилзиласидан кейин, кейинги 200 йил ичидан пайдо бўлган 15 та қишлоқни санаб ўтган. Ҳозирги кунда бу қишлоқлар истиқомат қиувлечи аҳолининг Оҳси, Эс оҳси ибораларини ишлатиши ҳам шунга далолат қиласан.

Араб, форс тилларида ман-балар ва бошقا тадқиқотчилар наздида Ахсикент атамаси ҳам Мовароуннахрнинг кўплаб

ган кўхна ва қадимиш шаҳар Ахсикент Фарғона водийининг пойтахти ҳисобланган. Қадимиги Хитой манбаларига асослансан, эрамиздан аввали давр, араб ва форс тилларида ҳамда бошқа ўрта аср манбаларида араблар кириб келган ва сомонийлар даврида ҳам бош шаҳар, пойтахт бўлгани айтилади. Темурийлардан Умаршай Мирзо, Шайбонийлардан Жонибек Сultonлар Ахсикентни пойтахт қиласан.

Шаҳарда маъмурӣ бино-лар арк, мудофаев деворлари ва миноралари, зарбхона, жомеъ масҷиди, чиллахона, мадрасалар, кутубхона, де-вонхона, эрракклар ва аёллар ҳаммоми, ер ости ва усти



шаҳарлари атамаси каби икки қисмдан ташкил топган: биринчи бўлғаги Ахси ёки Ахши, иккинчи бўлғаги эса бошқа кўплаб шаҳарлар атамасига қўшилиб келаётган "кат" ва "кат" кўриннишиди. Ахсикент сўзининг биринчи таркибий қисми сўд тилида "ахшийз" ва "хшийз" сўзлари бўлиб, бош, бошлиқ, раҳнома, хўжайин, эга деган маъноларини англатади. Иккинчи қисми эса шаҳар ёки қишлоқ, аҳоли яшаш маскани маъноларини англатади.

Маълумки, ҳозирги Норин дарёси ва Қорадарё қўшилишидан ҳосил бўлган азим Сирдарёни араб ва форс тилидаги манбаларда "Сайхун дарёси", "Шош дарёси" ҳам деб юритилган. Азим дарёнинг чап шимолий қирғоғида жойлаш-

сув йўли иншоотлари тизими мавжуд бўлган. Шаҳристон ва унинг ташқарисида бозорлар, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, куолчилик, мисгарлик, шишиасозлик, темирчилик, қандолатчилик, тўқимачилик билан шуғулланувчи хунармандлар мавзелари бўлган. Шунингдек, шарқий томонида (ҳозирги Шаҳанд ўрниларида) бозор ва карвонсаройларнинг фаoliyat кўрсатани, бир неча километрга қўзилган боғ-роғлар бунётилигани маълум. Ахсикент ва унинг атрофида боғдорчилик, дэхқончилик, савдо-сотиқ, илм-матрифат, ишлаб-чиқариш ва бошқа омиллар аҳолининг фаровон ҳаёт кечиргани, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт ююрида даражада бўлганидан далолатди.

А.РАҲМОНОВ,

А.ВОҲИДОВ, Б.РУЗИНОВ,

"Ахсикент" археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиши дирекцияси илмий ходимлари



Ohangaronshifer

Aksiyadorlik jamiyati




Бугун қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий күринишдаги уйлар, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Яңги мавзеларда турар жойлар билан бирга таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар учун спорт майдончалари, савдо, маданий, маший объектлари барпо этилмоқда. Кенг, равон йўллар қурилиб, аҳоли учун кўп қулийликлар яратиласпти. Бундай кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларида “MEGA GOLDEN HOUSE” МЧЖ Ўзбекистон-Қозогистон қўшма корхонаси ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Айни кунда корхонада 500 дан зиёд ишчи хизмат қилиди. Рангли шифер, керамик черепица ҳамда турли ўлчамдаги трубалар, гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, маҳсулотлар сифати ва чидамлилигига кафолат берилади. Корхона янги иш ўринларини яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ҳаракатида.

Манзил: Тошкент вилояти,
Оҳангарон шаҳар, саноат ҳудуди.
Телефон: 0370-645-39-99

“ОҲАНГАРОНШИФЕР” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутган мөхиятида яхшилик, хайр-саҳоват, меҳро-оқибат каби фазилатлар, эзгу қадриятларимиз ўз ифодасини топган



КУРБОН ХАЙИТИ

билин табриклайди.

Юртимиз тинч, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин.

ЭЗГУЛИК ВА БАГРИКЕНГЛИК АЙЁМИ МУБОРАК!

BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI JAMOASI

О'zbekiston xalqini muborak ayyom —

Qurban hayiti

bilan samimiy qutlaydi.

Xonadoningizdan tinchlik-xotirjamlik,
fayzu baraka arimasin.

Mamlakatimiz rivoji yo'lida kamarbasta bo'lishda
har biringizga sog'lik-salomatlik, kuch-quvvat tilaymiz!



AYYOMINGIZ MUBORAK BO'L SIN!

Маҳсулот сертификатланган.

ХУНАРМАНДЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ҚАЙТА КҮРИБ ЧИҚИЛИШИ ШАРТ

Уларни хомашё билан таъминлаш масаласи ҳал этилмаётгани, мавсумий фаолият кўрсатаётганлардан эса йил давомида солик тўлаш талаб этилаётгани партия мутасадилари билан ўтказилган очиқ мулоқотда ЭНГ долзарб масала сифатида мухокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамда "Хунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида "Миллий хунармандчилик — миллат фахри!" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда соҳага доир муммалорни аниқлаш ва уларга қонуний ечим топиш хунармандлар билан юзма-юз учрашувнинг асосий мақсади бўлди.

— Мақсадимиз миллий хунармандчилини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, бадий-хунармандлик мактаблари анъаналарни сақлаб қолиш экан, хунармандлар фаолияти, уларни ўйлантираётган ўйташвишларга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ, — деди партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров. — Чўнки хунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажralmas қисми ҳисобланаби, миллат маданиятини авлоддан-авлодга етказувчи ижодкорлардир. Яқинда Самарқандга нааманган вилоятлари хунармандлари билан ҳам шундай форматда мулоқот ўтказгач, биз билмаган муаммо тошашилари билан танишдик. Қолаверса, шу кунларда хунармандлар фаолиятини тартибига солувчи "Хунармандчилик фаолияти тўғрисида" ги қонун устида иш олиб борилияти. Сизларни ўйлантираётган муаммолар, таклифларни фаолияtingизда юзага келаётган тўсиқларни билмай туриб, бу қонунни мукаммал яратиб бўлмайди.

Аввалига хунармандлар партия етакчисининг кутилмаган таклифидан бироз довдирағандек бўлди. Муаммоларни, таклифларни очиқ-ошкорча билдиришга истиҳола қилиди. Қолаверса, даврада хунармандлар фаолиятига бевосита масъул ташкилот — "Хунарманд" уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев ва соҳа мутасадилари иштирок эттағани ҳам соҳа вакилларининг "дардини дастон килиши"ига йўл кўймаётгандек эди, гёй.

Йўк, бир дақиқалик сукутдан



сўнг аввалига устоз хунармандлар сўз бошлашди, сўнгра бирин-кетин қўл кўтарган ёшлар ҳам ўзида шижот топиб, очиқ мулоқотга кўшили.

... "Энг катта муаммолардан бири — асл хунарманд билан "олиб-сотар"ларни ҳамон фарқлай олмаяпмиз. Бугун бозорларда қўштириноқ ичидаги хунармандлар шунчалик кўпайиб кетдики, бу соҳа ривожига жиддий тўсиқ бўляпти. Ажабланарлиси, улар ҳам хунармандлар каби бир хил имтиёзлардан тўла фойдаланапти".

... "Кўйкон шаҳрида хунармандлар фестивали ўтказилишини ўзиттанимизига анча вақт бўлди. Лекин бизни ҳеч ким таклиф қўлгани йўқ".

... "Хунармандларни хомашё билан таъминлаш муаммоси ҳамон ҳал қилинмаяти. "Ўзинг учун ўл етим" деганларидек, асосий вақтимизни ишлаб чиқаришга эмас, хомашё излаб топиши сарфлашга мажбур бўляпмиз. Наҳотки, Япония, Германияда бўлгани каби хунармандларни зарур хомашё билан таъминловчи ҳужаликлар, фирмалар ташкил қилишининг иложи бўлмаса?"

... "Солик тўлови бўйича бир қатор муаммолар

мажбуд. Бу борада солик идоралари билан ҳеч муроса қилолмаяпмиз, тушунмовчиликлар жуда кўп. Хунармандларнинг кўпчилиги мавсумий фаолият кўрсатади. Соликчилар эса йил давомида бир хил солик тўлашни талаб қиласди".

... "Жой масаласида қийналайпмиз. Кўллаб хунармандлар қиммат нархда ихарада ишлашга мажбур бўляпти. Натижада бу маҳсулотларимиз нархи кўтарилишига сабаб бўляпти. Қани эди арzon, беминнат жой бўлса, эмин-эркин фаолият кўрсатсан. Маҳсулотимиз ҳам арzon бўлар эди".

... "Белгиланган солик ва пенсия жамғараси тўлошини мунтазам тўлаб келамиз. Лекин пенсия ёшига етган хунармандларнинг иш стажини ҳисоблашда ўзига яраши муаммоларга рўпара бўляпти. Тегишли идоралар кўшимча ҳужжатларни талаб қилиб, устоз хунармандларнинг тинкасини куритмоқда".

... "Ишлаб чиқарган маҳсулотларига қаранганд, рўйхатдан ўтган хунармандлар сони 2,5 барабарга ошган ва бу бунига келиб 27 минг 274 нафарга етди. Тасдиқланган дастур бўйича 2018 йилда республика бўйича 105 миллиард, 449 миллион сўмлик жами 3 минг 15 лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлса, ҳақиқатда 222 миллиард сўмлик 7 минг 482 лойиҳани банклар молиялаштириди. Жорий йилда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида кўшимча 87 миллиард сўмлик 2 минг 803 лойиҳанинг йигма

дастури шакллантирилди. 2019 йилнинг 1 июля ҳолатига кўра, банклар 2 минг 536 лойиҳага 95 миллиард сўмлик имтиёзли кредит эжратди.

Хунармандчиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилияти. Ўтган йили 26 минг 883 та иш ўрни яратиш белгиланган бўлди, 40 минг 338 та иш ўрни ташкил этилди. 2019 йилда республика бўйича жами 44 минг 700 та янги иш ўринини яратиш режаси белгиланган. 17 июль ҳолатига кўра, жами 28 минг 660 та янги иш ўрни яратилди. Банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар "уста-шогирд" анъаналари асосида хунармандларга шогирд қилиб берилмоқда ва улар сони 48 минг 586 нафарга етди. Бугунги кунда 5 мингдан зиёд "уста-шогирд" мактабида 23 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланган.

... "Еш хунармандлар ҳам олий маълумотли бўлишни хоҳлади. Лекин ўзимиз танлаган хунармандлик йўналиши бўйича ҳеч бир олий таълим муассасасида мутахассис етишитирilmайди".

Очиқ-ошкорда тарзда ўтказган мулоқотда хунармандлар юқоридаги каби муаммоли вазиятларни рўй-рост айтдиши. Хунармандлик тўғрисида қонунин яратиш, банк хизматларини кўрсатишни соддлаштириш, устахона ва дўконлар куриш учун ер ва бино ажратиш масалаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Хунармандлик маҳсулотларининг ички саводси, экспорти билан боғлиқ қатор муаммолар қайд этилди.

"Хунарманд" уюшмаси маълумотларига қаранганд, рўйхатдан ўтган хунармандлар сони 2,5 барабарга ошган ва бунига келиб 27 минг 274 нафарга етди.

Тасдиқланган дастур бўйича 2018 йилда республика бўйича 105 миллиард, 449 миллион сўмлик жами 3 минг 15 лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлса, ҳақиқатда 222 миллиард сўмлик 7 минг 482 лойиҳани банклар молиялаштириди. Жорий йилда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида кўшимча 87 миллиард сўмлик 2 минг 803 лойиҳанинг йигма

дастури шакллантирилди. 2019 йилнинг 1 июля ҳолатига кўра, банклар 2 минг 536 лойиҳага 95 миллиард сўмлик имтиёзли кредит эжратди.

Хунармандчиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилияти. Ўтган йили 26 минг 883 та иш ўрни яратиш белгиланган бўлди, 40 минг 338 та иш ўрни ташкил этилди. 2019 йилда республика бўйича жами 44 минг 700 та янги иш ўринини яратиш режаси белгиланган. 17 июль ҳолатига кўра, жами 28 минг 660 та янги иш ўрни яратилди. Банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар "уста-шогирд" анъаналари асосида хунармандларга шогирд қилиб берилмоқда ва улар сони 48 минг 586 нафарга етди. Бугунги кунда 5 мингдан зиёд "уста-шогирд" мактабида 23 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланган.

Очиқ мулоқотда "Хунарманд" уюшмаси раиси мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳақиқатида ҳунармандчилигини ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонламда кўллаб-куватлаш борасида мақташга аргизгулик ишлар қилинаётганини таъкидлаб, юқоридагига ўхшаш жимхимадор статистик маълумотларни келтирган бўлса-да, хунармандларнинг ўринни танқидларидан бавзан нокуляй вазияти тушгани ҳам бор гап. Шундай бўлса-да, у фаолиятдаги камчиликларни рўй-рост шаклини билдириш, сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилид. Ҳар қандай масала бўйича уюшма эшиги хунармандлар учун доимо очиқлигини айтиб, соҳадаги тизимили муаммоларни ҳамкорлиқда, бамаслашат ҳал қилишга ваъда берди.

ЎзМТДП етакчиси эса очиқ мулоқотда эътироф этилган камчиликларга ечим топишда "Хунарманд" уюшмаси билан яқин ҳамкорлиқ қилинишини, хунармандларни доимо қўллаб-куватлаш, уларни қийнаётган масалаларга бирга ечим топишда кўмакка тайёр эканини таъкидлади.

■ Р.Махмудов,
"Milliy tiklanish" мухбари

(Охир. Башланниши ўтган сонларда)

ТАРБИЯ ФАРИШТАЛАРИ

биз уларни асраб-авайлайлик

Сүнгиг пайтларда ота-онасини ранжиттаган фарзандлар, оиласалар, алоҳида тоифалар пайдо булаёттанинг ўзи оғир. Жуда оғир!

Арзимаган нарсалар билан ота ёки онанинг кўйгилни оғритиш, бавзан ҳақорат қилиш каби воқеа-ҳодисалар ҳақида Интернэт сайтиларда, матбуот саҳифаларида ўқиймиз, телекўрсатувларда кўриб ҳайрон қоламиш. Эҳтимол қаёвадарид өмон ота бордир. Эҳтимол хото қилган она ҳам учраб турар. Буни ҳоёт дейдилар... Лекин нима бўлганда ҳам ота-она тақдирини фарзанд ҳал қилмайди, ота-онанинг қилмиши учун хўжин чиқаролмайди. Оиласалар фарзандлардан катталар бор, қариндошурӯр бор, жамоатчилик бор.

Устоз ўтиқир Ҳошимов ибратли бир воқеа айтиб берган эди.

— Европа Итифоқи парламенти депутатларидан бири билан учрашиб қолдик. Орамизда ота-бала тақдирда билан боғлиқ сұхбат бўлиб ўтди. “Агар сизларда ота-бала келишмай қолса, бир-бирини каттиқ ранжитса нима бўлади?”, деб сўрадим. “Ота боласини сугд бериб, масаланиң қонун ўйли билан ҳал қиласди. Сизларда-чи, сизларда қандай ҳал бўлади?”, — деб ўз навбатида у ҳам мендан сўради. “Бизда бошчача бўлади. Айтсан, ишонмайсан”, — дедим. У “айтавергин”, — деди. “Агар бизда ота-бала келишмай қолса, ота боласини оқ қиласди. Бола оқладар бўлади”, — дедим. У ҳайрон бўйли, “оқладар нима”, — деб сўради. “Айтдим-ку тушунмайсан, деб” дедим. Ҳаётнинг, менталитетимизнинг ана шундай ёзилмаган қонуналри бор. Аслида оқладар бўлиш қонун жазосидан оғир. Шуда сақласин...

Муқаддас динимизда ҳам ота-онанинг мақомини юксас баҳо берилган. Масалан, пайтамаримиз (саллалоҳу алайхи ва саллам)дан саҳобаларидан бири “кимга яхшилини қилий”, деб уч марта ҳам “онангга” деб жавоб берган. Тўртични марта сўраганида “отангга” деганлар.

* * *

Машхур боксчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев бир телесуҳбатда шундай деган эди:

— Ҳар гал мусобақадан қайтанимда онажоним мени кўзларидан ёш, мөр билен кутиб олади. Ва... “болам ишқилиб рақибингни өмон урмадинги?”, — деб албатта сўрайди. Сўнг астагина: “болам ахир унинг ҳам онаси бор”, — деб кўшиб қўяди...

Буни факат улғур ўзбек онаси айтиди. Юрагида ҳам мардлик, ҳам меҳр-муҳабат жўш уриб турган ўзбек онаси! Шундай меҳридәр оналар бошқа миллатларда ҳам борникин? Шундай оналар бор юртнинг фарзандлари қандай бўлиши керак?.. Бу ҳақда ўйлаб кўрганимиз?

Давр кўйётган ўткинни муаммолар учун ҳам ота-оналар нима қилишлари керак? Эҳтимол фарзандларидан кўра кўпроқ изтироб чекаётгандир?! Бугун мамлакатимизда булаётган улкан ўзарашларда, бунёдкорлик ва ободлик ишларида ҳам ота-оналаримиз ибрат намунасини кўрсатади. Кучлари етмаган жойларда улар бизга дуолари билан мададкор бўлмоқда. Айтишларича, ота-оналарнинг дуоларини фаришталар Аллоҳ ҳузурига тезроқ етказар экан.

Ином Абу Ҳамид Фаззалий “Мукоша-фатулу қубул” китобида шундай ёзди: “Расууллоҳ (саллалоҳу алайхи ва саллам) дедилар: “Кимки ота-онасини ранжиттан



холда тонг оттирас, унга жаҳаннаминги иккиги эшиги очилади. Кимки ота-онасини ранжиттан ҳолда кунни кеч қилса ҳам, шундай бўлади. Агар бирини ранжитса, дуахнинг бир эшиги очилади. Асло уларга қарши борман, зулм утказган бўлсалар ҳам, утказмаган бўлсалар ҳам”.

Ота-онага тик қарашнинг ўзи гуноҳ. Ранжитиш ундан-да катта гуноҳ. Айрим нобоб фарзандлар бизнес қиласман, тадбиркор бўламан, деб пенсионер ота-онасининг яхши-өмон кунларга деб юғиб кўйган маъблагларини дўй-пўтича билан олиб кўяётганига гувоҳ бўляпмиз. Ёки ўй-жойларини мажхублар сотаёттанинларга нима дейсиз? Оқибатда шўрлик ота-оналар кўчада колаётir.

...Бир оиласи биламан. Ота бутун умр юйиб-териб, меҳнат қилиб ортирганлари хисобидан хусусий тўйхона курди. уни юритишни ўғилларига топшириди. Афуски, болалар нағса қул бўлиб, кайф-сафога муккасидан кетганин оқибатида тўйхона тутуп унинг атрофида ташкил қилинган кичик бизнес ҳам банкрот бўлди. Отанинг панд-насиҳатлари кор қилимади. Ота ўғиллардан бирига қаттиқ гапирган эди бадбахт ўғил отага кўл кўтари. Бу алам, бу хорликча чидомлаган ота инсульт бўлди, маҳмадона ўғил эса дарбадар...

Ёки яна бир лўттибоз ўғил кекса онасининг тилла тақинчоқларини зўрлик билан тортиб олаётib муштипар онан итарид юборган ва у шўрлик боши билан шкафга урилди ўша заҳоти жон берган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?..

Бойвачча фарзандлари бўла туриб, қариялар ўйларидан ётган тарбија ота-оналар-чи?

Бир кўшиқда айтилганидек:
Номус билан ори бўлмас,
Отасини йўғлаттани.
Дастурхонда нони бўлмас,
Отасини йўғлаттани.

Эй фарзанд! Бундай оғир кунларга тушмай, ота-она қаршиига учрамай, десанг эс-хушигни юғиб ол. Ота-боболаримиз энг оғир замонларда, қаҳчатчилик, уруш даврларидан ҳам ота-онасини эъзозлаган, ҳурматини жойига кўйган. Сабр қилсанг, бу кунлар ҳам ўтади. Кўп емаснг, оз ерсан. Ҳашамат билан яшамасанг ҳам одмирко кийиниб, соддароқ яшарсан. Лекин сени бу ёргу дунёга келтирган ота-онангни асло ранжитмаган...

* * *

Бизнинг кинематографчилар ҳинч, корейс, турк киночиларидан ортда қолмаслик

учун серайлар ишлашни авж олдирмоқдадар. Гарчи мавзулар яқин, деярли бир хил бўйса-да, қаҳрамонлар номларидан уларнинг ўзбек эканлигини билиш мумкин. Кўпгина соҳаларда бўлгани каби кино ва серайларда ҳам тақлидга берилиб кетаётганимиз ачинчарли. Тақлид ёмон иллат. Бир беридингми, унинг “сехри”дан чиқолмайсан. Лекин давлат тақлидий кинолар ишлагин, деб маблаб бераётгани йўқ-ку?!

Бир вактлар телекранларни корейс серайларда аёвсиз босиб кетганин сингари, ҳозир деярли барча телеканалларда турк серайларни. “Муҳташам қоз йил”, “Эртурул” сингари фильмларни ҳисобга олмагандан, барчаси оиласив машмашалар, майдай машни мавзулардан иборат. Деярли барча серайларда қаҳрамонлар бакир-чакир қилиб, асабий ҳолатда гаплашиладар, гўйбат, майдай гап, миш-меш, ур-сур, от-чоп, гўё серайларда қаҳрамонларининг — асосий фаолияти. Шундай экан: бундай телесериаллар ўзбек теломозшибанларига нима беради? Қандай ахлоқни тарбиб қилаётir? Бу бакир-чакирлар, бош-чакир қилиб оиласив машмашаларининг қандай тарбиивий аҳамияти бор? Айрим серайлардаги бояларнинг ота-оналарига кўпюл мумомалада булаётгани, уруш-жанжал, ота-онасининг гапига кулоқ солмай уйдан чиқиб кетиши, кўйингки, қатор тарбиялизилар акс этган саҳналар бизнинг ёшларимиз тарбиясига қандай таъсир кўрсатади? Серайлардаги бу машмашалар бир кун келиб, томошабиннинг оиласига кўчмасмикн? Юқорида айтилган тақлид балоси қайтарилимасмикн? Уят, ҳаё, одоб сўзлари факат луғатларда қолиб кетмасмикн?..

* * *

Иккига оғиз миллий серайлар ҳақида. Мавзуларнинг тақорор ва саёзлиги ҳақида кўп ёзиляпти, телебаҳсларда қайта-қайта айтилтилти. Танқидлар бир кунни ўз мевасини берад, деб умид қиласими. Айрим серайларда, ҳатто бавзи кўшиклиарнинг клипларида ўзбек қўзлари, аёллари тақорор тарбиёти юғигит ёки эрракнинг юзига узлай-нетмай шараклаби тарбаки тортиб юборади. Бу нима қилик? Бу қандай тарбия?.. Эҳтимол сўнгиги модадаги туғли олиб бермагани учун режиссёрини хотини бир шапалоқ ургандир. Лекин буни томошабиннага кўрсатишнинг нима қизиги бор? Бу ачинчарли саҳналарнинг ҳамдай тарбиявий аҳамияти бор?

Ҳар қандай кино ёки сериал бадий аср каби миллий руҳ, миллий колорит

билан суғорилган бўлиши керак. Телекранларимизда намойиш этилган ҳиндларнинг “Маҳобхорат”, японларнинг “Ошин”, корейсларнинг “Сарой жавоҳири” телесериаллари факат миллийлик руҳи уфуриб тургани, қаҳрамонлар, воқеалар миллий илдизларидан узилмагани учун севиб томош қилинди ва телетомошабинларнинг хотирасида қолди.

Биз, ўзбек кинематографчиларининг изланишларини, яхши бадий фильмлар, серайлар яратишларини кўллад-куватлаган ҳолда, биринчи галда тақлидан, тақлидий кинолар, серайлар ишлашдан ўзларини тийишларини истардик. Наҳотки, кино саноатимиз тақлидчиликдан иборат бўлса, деган фикрдан ийроқман. Чунки бу учун катта имкониятлар бор...

Ишга “Юнусобод-Чорсу” йўналиши буйича қатнайдиган 27-маршрут таксида бориб келаман. Бир куни автоуловга кўришидан эллик ёшлар атрофида киши ўсмур набираси билан чиқди. Чиқши билан аввал ўзи, сўнгра набираси “ассалому алейкум”, деганида кўпчиллик уларнинг саломларига алиб олиб, ўзлари ҳам салом бердилар. Мудраб, ҳале сурб келётгантан ўловчилар бекос ўйғонгандек сесканиб, хўшёр тортид. Юзларига табассум югури, кўзлари яшнаб кетди... Тўрт-беш бекатдан сўнг юз-кўзларидан нуу ётилиб турган бу самимий инсон машинадан набираси билан тушар экан, ўловчиларга “хажи етиб олинглар”, деб эшикни ёди. Йўловчиларнинг юзларидаги самимият ва меҳр яна чўй олди. Факат йўловчиларга бекатдан ишларни ўзларига бирга берди.

Ана сизга яхши сўзнинг кўч-кудрати.

Ана сизга ўзбекона тарбиянинг буюк сехри ва кучи. Эҳ-ҳе, ҳалқимизда бундай ибратли миллий тарбия булоқ мисол тўлиб-тошиб ётиди...

Азиз ўкувчи! Ушбу ёзилгандарни ўқиб, муаллиф нукул ҳаётдаги сабый воқеа-ҳодисаларни ёзибди, деб ўйламанг. Ёзилгандар сабый ҳам, ижобий ҳам, оқ ёки қора ҳам эмас. Лўнда қилиб айтганда, одам ҳақида, одамнинг ҳаётдаги ўрни ва турмуш тарзи ҳақида.

Шундай бир доно гап бор, “одам ўзгармас, олам ўзгармас”. Бугун жамиятида, ҳаётимизда рўй бераётганин улкан ўзаринлар жараёнда одам ўзгараптими? Аслида одамнинг ўрни қаёвада? Қишлоқлар, маҳаллалар обод бўлаётir. Одам-ҳақида, одамнинг ҳаётдаги ўрни ва турмуш тарзи ҳақида.

Шундай бир доно гап бор, “одам ўзгармас, олам ўзгармас”. Бугун жамиятида, ҳаётимизда рўй бераётганин улкан ўзаринлар жараёнда одам ўзгараптими? Аслида одамнинг ўрни қаёвада? Қишлоқлар, маҳаллалар обод бўлаётir. Одам-ҳақида, одамнинг ҳаётдаги ўрни ва турмуш тарзи ҳақида.

Бизга дарёдан ўзарини ўзгармас. Бугун жамиятида, ҳаётимизда рўй бераётганин улкан ўзаринлар жараёнда одам ўзгараптими? Аслида одамнинг ўрни қаёвада? Қишлоқлар, маҳаллалар обод бўлаётir. Одам-ҳақида, одамнинг ҳаётдаги ўрни ва турмуш тарзи ҳақида.

Бизга дарёдан ўзарини ўзгармас. Бугун жамиятида, ҳаётимизда рўй бераётганин улкан ўзаринлар жараёнда одам ўзгараптими? Аслида одамнинг ўрни қаёвада? Қишлоқлар, маҳаллалар обод бўлаётir. Одам-ҳақида, одамнинг ҳаётдаги ўрни ва турмуш тарзи ҳақида.

Бизни китобга қайтарган Президентимизга минг раҳмат! Бу маънавиятга, ўзликка ва миллий тарбияга қайтиш демакдир. Афуски, китобдан мөрхимиз анча совуган экан, унга қайтишимиз бирор сўзларга, ўтканини воқеаларга сарфлаётir. Телефоннинг кулига айландик...

Бизни китобга қайтарган Президентимизга минг раҳмат! Бу маънавиятга, ўзликка ва миллий тарбияга қайтиш демакдир. Афуски, китобдан мөрхимиз анча совуган экан, унга қайтишимиз бирор сўзларга, ўтканини воқеаларга сарфлаётir. Телефоннинг кулига айландик...

**Ашурали ЖЎРАЕВ,
адиб**

ИЛК МИЛЛИЙ СИЁСИЙ

ПАРТИЯНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ



**Бош вазир
Акбар Исломхўжа
Иброҳимхўжа ўғли**

Ўзбек миллий сиёсий партиялар гарчи узоқ ўйллик тарихга эга бўлмасда, лекин Ватанимиз тарихида ўзига хос ўрин тутади. XX аср бошларида жадидтараққийпарварлари ҳаракатининг кучайиши натижасида "Ёш хиваликлар", "Ёш бўхороликлар", "Шўрои Исломия", "Турк Адами Марказият", "Туркестон тарққийпарварлари" партиялари тайдо бўлди ва улар ҳалкнинг сиёсий фаолигини ошириши, оммани чор Россияси мустамлакачилик сиёсатига қарши ўғотишни, ўлқада миллий мустақил давлатни барпо қилишга киришиди. Аммо бу партиялар чор мөъмурлари ва маҳаллий ҳукмдорлар, кейинроқ шўро ҳукматининг кескин қаршилигида дуч келди. Сиёсий, назарий ва ташкилий жиҳатдан етпук шакланни билургани, ўлбошличлари қатагонга учради, сурғун қилинди.

"Ёш хиваликлар" гарчи қиска вақт фаолият кўрсатган бўлса-да, лекин илк миллий сиёсий партия, ҳам нисбатан кепта муввафқиятга эришиган ҳаракат ёди. "Қатагон курбонлари" давлат музеий китоби имлами ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори **Бахром ИРЗАЕВ** билан сұхбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Матъумки, "Ёш хиваликлар" дастлаб гуруҳ сифатида фаолият кўрсатган. Уларнинг сиёсий партия сифатида намоён бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?

— XX аср бошида Туркестон ўлкасида бўлгани каби Хива хонлигига ҳам тараққийпарварлар фаолияти кучайди. Хива жадидларининг аксар қисми хон саройига яқин, ўзига тўй, оиласларнинг фарзандлари бўлган ва улар йигилишиш, шеърхонликдан ташкари эрк, адолат ва дунёда кечеётган воқеъликларга доир сўхbatлар куришарди. Хонлиқда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказиш бўйича фикр алмашарди.

Айнан шу пайдида, яъни, 1911 йилнинг 23 январидан бош вазир Акбар Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғли хонлиқ ҳәти учун мухим бўлган 10 бандон иборат ислоҳот дастурини амалга оширишга киришиди. Ўнда хон ҳизматидагиларга иш яхши тайинлаш, ер солиги, бозор тўловларни тартибга солиш, сувдан оқилона фойдаланиш, замонавий шифононлар барпо этиш, вақф ерларидан келадиган даромаднинг бир қисмини маориф-маданият ишларига сарфлаш, янги усуладиги мактаблар очиши, таълим тизимига дунёвий фанларни кириши каби долзарб масалалар илгари суригланган ёди. Ушбу ислоҳотлар аслида "Ёш хиваликлар" гоясини тўла ифодаларди. Аммо бошланган ишлар 1913 йил 9 август куни Исломхўжанинг шаҳид қилиниши билан тўхтаб қолди.

"Ёш хиваликлар" туб ислоҳотларсиз мақсад-га эришиб бўлмаслигини англаб, сиёсий партия сифатида фаолият юритишни лозим топди ва 1914 йилнинг августида Полвонниёз ҳожи Юсупов раҳбарлигига Хива шаҳрида инқилобий ташкилот тузилиди.

— Илк миллий сиёсий партия ўз дастурига ҳам эга бўлган экан. Үнда асосан қандай мақсад-вазифалар белгиланган?

— 1917 йил февраль инқилоби "Ёш хиваликлар" фаолиятига кучли таъсир кўрсатди ва улар очиқ кураш ўйлига ўтди. "Ёш хиваликлар" ўз сафига зиёлилар, ҳунарманд, деҳқон ва саводгарлар, ислом уламолари ҳамда айrim давлат амадорларини бирлаштириб, партия дастuriда мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, хонлик тузумини тенглик ва озодликка асосланган бошқарув билан алмаштириш, зулмга қарши кураш, ҳалқни маърифатни қилиш каби мақсад-вазифалар кўйилган ёди.

1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфандиёрхон "Ёш хиваликлар" тақдим этган манифести имзолашга мажбур бўлди. Манифестда Хива давлатидаги вазирлик ва амадорлик вазифаларини ахоли томонидан сайдланган ва тайин-

ланган виждонли, адолатпарвар кишилар бажарши, ҳалқ ҳоҳламаган вазир, амадор ва ҳокимлар ишдан олинниб, жинояти исботлансанша шариат қонунлари асосида жазога тортлиши, барча амадор ва давлат ҳизматчиликларига вазифаларига яраша хазинадан маши ахратилиши, Хива давлатининг молни шашари учун хазиначи жорий қилиб, кирим-чиқимларни назорат қилиши топширилиши каби 7 банддан иборат талаб кўйилган ёди.

Манифест ижросини таъминлаш учун 30 вакилдан иборат муввақат кўмита ташкил этилди. Мамлакатни бошқариш учун Хива хони ҳузырида Мажлис ва Нозирлар кенгаши тузилди. Чор Россияси билан муносабатларни яхшилаш учун маҳсус вакил тайинланди ва шу тариқа "Ёш хиваликлар" Хива хонлигидаги бир муддат етакчи сиёсий кучга айланди.

— "Ёш хиваликлар" ўта мураккаб шароитда иш олиб боргани тарихдан яхши маълум. Чунки чор Россияси "бир ўқ билан икки кўйени уриш", "кетмоннинг сотини ўзидан чиқарши" сиёсатини юргизётган ёди. Яъни, қарши кучлар сиёсий партия хатти-ҳаракатини шунчаки четдан кузатип турмаган бўлса керак?

— Албатта, улар "Ёш хиваликлар" кучайишидан манбаатдор эмас ёди ва шу сабаб тиш-тирнико билан қаршилик кўрсата бошлади. "Ёш хиваликлар" партияси етакчиларидан Жуманиёз ҳожи Бобониёз ёз хотирасида "... Николайлар ҳукумати Хива хонлигини ўз ҳимоясида бўлиб турғонига ҳам қаноат қиласадан тўғридан тўғри бошқа мустамлакалари қаторига қўшиши ва Хива хонлигини бутунлай ўйқ қилиш учун ҳар турли воситалар била заминлар тайёрломоқда экани маълум бир нарсадур. Мана шунинг учун Николай матъмуларни Хива тўғрисида шундай тадбирларни қилишина киришадилар: бир томондан ҳалқ орасида тинчсанлиг тутдирши, иккинчидан ҳалқни ўшурон равишда ўзларига тортиш, учинчи томондан бўлса Хива хонлиги билан расмий мумомалаларни узмасдан ўртага келиб чиққон қўйинчилкларда мумкам кенгашилар берди, ёмон возиятларга қолдиришидан иборат ёди" деб ёзган ёди.

1917 йил май ойидаги Мажлис раиси Бобооҳун Салимов бошчилигидаги делегация Мувакқат ҳукумат вакиллари билан музокара ўтказиш учун Тошкентга жўнайди. Асфандиёрхон эса вақтдан фойдаланиб, Мувакқат ҳукуматини-



I-Хоразм қурултойи

Хивадаги вакили — генерал Ҳўжа Мирбадалов бошчилигидаги ҳарбий кучларга таяниб, июнда Мажлислин тарқатиб юборди. Хон ўзига маъкул қишилардан Мажлис ва Нозирлар кенгашига тайинлаб, "Ёш хиваликлар"дан шафқатсиз ўч олишга киришиди. Мажлиснинг 17 аъзоси қамоққа олинди ва партиянинг барча аъзолари "коғир" деб ўзлон қилинди.

1917 йилнинг сентбринда Хивага полковник Зайдев бошчилигидаги казак отряди кириб келди. Шу йил 21 ноўрода "Ёш хиваликлар" устидан "қозиларнинг шариат суди" ўтказилди ва Асфандиёрхон казаклар ердамидаги Мажлисли бутунлай тутдиган. Хоннинг истибод тузуми билан курашда мағлубиятга учраган "Ёш хиваликлар" мамлакатдан чиқиб кетишига мажбур бўлди. Айримлари хон буйруғи билан қатл қилинди.

1918 йилнинг марта 1-даги Полвонниёз ҳожи Юсупов бир гурух сафошлари билан Тошкентда "Ёш хиваликлар" инқилобий қўмитасини тузди ва янги дастур

ишлаб чиқиб, июль ойидаги ўзларини "Хива инқилобий партияси" деб эълон қилиди. Янги дастур хон ва унинг ҳукумоти томонидан мамлакат якка бошқарувини бутунлай тутдиган, шариат ҳукми билан вақфларнинг барча даромадини факат ҳалқ маорифи учун сарфлаш, болаларни бепул ўқитиш учун Хивада мактаблар ташкил қилиш, шаҳар ва қишлоқларда бепул даволовчи шифохоналар очиши, мажбурий меҳнатни бутунлай тутдиган каби жами 14 банддан иборат эди.

Бу орада инқилобчилардан бир гурухи ажраби, Тўртқўлда "Ёш хиваликлар" коммунистик фракциясини тузди. Россия ва Туркестон большевиклари эса Хива хонлигидаги барча мухолиф кучларни жиспальтиришга зўр берди. 1919 йилнинг ноўброрда "Ёш хиваликлар", Тўртқўлдаги инқилобчи коммунистлар гурухи ҳамда яна бир неча сиёсий кучлар бирлашиб, Хиванинг эзгалик қисмидаги аскарларни ёрдамга қақиди. Кескин жанглар натижасида Туркестон фронти Амударе (Хива) гурухининг кўшиларни хонлик пойтахти Хиванинг босиб олди. Хива хони Сайди Абдулахон таҳтадан воз кечди. 1920 йил 2 февралда Мувакқат инқилобий қўмита тузилиб, унга Тўртқўлдаги "Ёш хиваликлар" инқилобий қўмита бошлиги Жуманиёз Султонмуродов раҳбар этиб тайинланди.

1920 йил 26-30 апрелда Хоразм ҳалқ вакилларининг 1 қурултойида Хоразм ҳалқ республикаси ташкил топди. Қурултойда "Ёш хиваликлар"нинг дастури муввақат конституцияга асос қилиб олинди. Унда Хива хонлиги тутдиганни ва Хоразм ҳалқ республикаси тузилгани ўзлон қилинди. Қурултойда 15 қишидан иборат республика ҳукумати — Халқ нозирлари шўроси тузилди ва уларнинг аксарияти жадидлардан иборат бўлгани учун "Ёш хиваликлар" ҳукумати деб юритила бошлади.

"Ёш хиваликлар" мамлакатда хонлидан қолган асраларни тутдиган, республикада демократик тузумни қарор топтириш, мустақилик Ҳоразм давлатини барпо қилиш мақсадида янада фаоллашди. "Инқилоб қўёши" газетаси чори этилди. Үлқада қатор мактаблар, интернет, клуб, кутубхона, шифохона, дорихона, почта ва телеграф иш бошлади. 1921 йилда Хивада ташкил қилинган Ҳоразм ҳалқ университети кейинроқ "Дорумуаллим" гайлантирилди. Ҳоразм ҳалқ универсиитети барои 40 милион кредит билан иш бошлади ва миллий парвоз мумомалага чиқарилади. Хивада миллий қизил армия ташкил қилиш учун 18 нафар мусулмон командири жалб қилинди. Шунингдек, қинданда кишиларни қилиш, жисмоний қийнаш, қатл этиши каби жазо турлари бекор қилинди.

Аммо шўро ҳукматининг "Ёш хиваликлар"ни кўллови ортида хуфёна режаси бор ёди. Уларнинг "қўли" билан Хива хонлигига бутунлай барҳам берилди. Эндиға мақсад мустақил сиёсат юритишга интилашга "Ёш хиваликлар" ҳукуматини бадном қилиш ёди ва бунга жадид қиришиди. 1921 йил 6 марта қизил аскарлар Хивада давлат тўнтириши яасаб, "Ёш хиваликлар" ҳукуматини афзариди. Ҳалқ нозирлари қамоққа олинниб, кўччилиги остиб ташланди.

"Ёш хиваликлар"нинг бир қисми кейинчалик аф қилинган ва 1923 йилнинг октабригача Ҳоразмдаги шўро давлати курилишида фаол иштирок этган бўлса-да, афуси, улар ҳам 30-йиллар катагонларида маҳв этилди. Ва, шу тариқа "Ёш хиваликлар" сиёсий партияси фаолиятига бутунлай барҳам берилди.

||| Келгуси сонда "Ўзбекистон: партиялар таридан" туркумида "Ёш бўхороликлар" партияси фаолияти билан танишасиз.

"Milliy tiklanish" мухбири,
Равшан МАҲМУДОВ сүхбатлашди.



**Партия асосчиси
Полвонниёз
ҳожи ЮСУПОВ**

MAS'ULIYAT CHEGARASI

Mamlakatimiz taraqqiyotining bugungi — yangi bosqichi dunyo miqyosida g'oyaviy kurashlar tobora kuchaygan pallaga to'g'ri keldi. Mafkura maydonlarida zamonaviy axborot texnologiyalaridan unumli foydalilanayotgani esa yuz berayotgan voqe'a-hodisalardan niyoyatda qisqa muddatlarda xabar topish, u yoki bu masalaga munosabat bildirish imkonini berayapti.

Eng muhim yurtimizda ham ommaviy axborot vositalariga erkinliklar berilgani, fuqarolik jamiyatining asosi bo'lgan so'z erkinligi ta'minlangani har birimizga tub islohotlar mohiyati, bugungi yangilanish va o'zgarishlar xususida o'z qarashlarimizni emin-erkin bayon qilish uchun sharoit yaratdi. Uzoq yillar davomida voqe'lukka xolis baho berish, tanqidiy mulohazalar bildirishga ko'nigmagan gazeta-jurnallar, televideuniye hamda radiokanallarimiz qatoriga blogerlik institutining qo'shilgani esa jamiyat rivojiga to'siq bo'layotgan ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni dadil ko'tarib chiqish imkonini berdi.

Ayni paytda chekka bir qishloq aholisining ichimlik suviga zor ekani, kimningdir farzandi nohaqlikka uchrayotgani, bir mansabdorning noqonuniy xatti-harakati tufayli moli, davlatidagi aylib qolayotgan tadbirkor muammolari ham aksariyat hollarda ayanan ana shu institut vakillari tomonidan jamoatchilik e'tiboriga havola qilinyapti. Yangidan-yangi saytlarning paydo bo'lishi ham bugungi islohotlarning mazmun-mohiyati, joylarda hal etilmayotgan ijtimoiy-iqtisodiy masalalar haqida tezkor ma'lumotlar olish imkonini oshirdi.

Shu o'rinda yurtimizda so'z erkinligi ta'minlanganayotgani xalqaro hamjamiyat tomonidan qizg'in qo'llab-quvvatlanganini ham ta'kidlash joiz.

Bir so'z bilan aytganda, keyingi uch yil mobaynida o'zgarishlar davri tarixiga jamiyatimizning eng katta yutug'i sifatida so'z erkinligi ta'minlangani muhim voqeqlik sifatida kirdi, dейиш mumkin.

Tan olish kerak, keyingi yillarda bir qator viloyatlarda avj olgan "buz-buzlar" bilan bog'liq xatoliklar ham asosan blogerlar tomonidan fosh etildi. Ijtimoiy tarmoqlardagi tezkorlik, ochiqlik tufayli esa xatoga yo'l qo'yan mansabdorlar haqida davlat rahbari va hukumatga tezkor axborot yetkazish imkoniyati kengaydi.

O'z o'quvchilarini tomonidan "xaloskor" sifatida e'tirof etilayotgan blogerlar "xalqni qaqqashgan" mansabdorlarga nisbatan yanada kuchliroq jazolar tuyinlanishini talab etib, jamiyatda o'z mavqelari mustahkamlanib borayotganini ham ko'rsata boshladi.


Bu jarayon ayni qizigan pallada blogerlar qatori jurnalistlar ham ijtimoiy tarmoqlar orqali o'z fikrlarini bildirayotir. Xususan, "XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasi bosh muharriri Norqobil Jalil bir qator hokimlar xatosiga munosabat bildirir ekan "... oddiy bir qalamkash sifatida fuqarolar va tadbirkorlar huquqini oyoqosti qilgan, oyog'i yerdan uzilgan, atrofida o'z haybarakkallachilarini to'plab olgan hokimlar tavba-tazarru qilmasin, mard bo'lsa iste' bersin" deya keskin fikr bildirdi.

Albatta, har kim o'z fikrini, ma'lum bir masala xususida qarashlarini emin-erkin bayon etishi mumkin va yurtdoshlarimiz bu qarashlarga hurmat bilan munosabatda bo'lishga ko'nikdilar ham.

Chindan ham jamiyatimizda anchayin faol kuchga aylangan blogerlar, fidoyi jurnalistlar sa'y-harakati bilan taraqqiyotimizga to'siq bo'layotgan qator muammolarga e'tibor qaratilib, ularni hal etish jamoatchilik tomonidan qat'iy nazorat qilinyapti.

Ana shunday bir paytda davlatimiz rahbari ijtimoiy tarmoqlar orqali ayrim mansabdorlar faoliyati (yoki faoliyatitsizligi)dan noroziligini bildirayotgan aholi fikri bilan tanishib, rahbarlarning bunday xatti-harakatlarini hech narsa bilan oqlab bo'lmasligini bot-bot takrorlamoqda.

Zero, odamlar og'irini yengil qilish, hayotdan rozi bo'lib yashashlariga ko'maklashish barcha bo'g'indagi



rahbarlarning asosiy vazifasidir. Bu yo'nalishdagi ezgu harakat va intilishlar samarasida qo'lga kiritilgan yutuqlar bilan birga hali yechimini kutayotgan dolzlar masalalar ham bor, albatta. Ammo ana shunday bir paytda ijtimoiy tarmoqlar imkoniyatlaridan turli maqsadlarda foydalananayotgan fuqarolar ham borligidan ko'z yummashligimiz kerak.

Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarda muhokama qilinmaydigan mavzuning o'zi qolmadi, — deb yozadi "Xalqaro press-club" raisi Sherzodon Qudratxo'jaev o'zining facebookdagi sahifasida. — Albatta, har bir inson o'z fikriga ega, erkin fikrlash va fikrini ommaviy bildirish barchaning huquqiga kiradi. Ammo shunday nozik pardalar borki, har kim istaganicha fikr bildira olmaydi. Bular shaxsiy hayotga aralashuv, kinnidir haqorat qilish, kimgadir tahdid qilish, kimgadir urush e'lon qilish. Buning uchun javobgarlik ham borligini unutmasligimiz kerak. Ana shunday holatlar insonlarning shaxsiy hayotiga daxil qilish, kimgadir ig'vo qilish, taqirish, qadr-qiyamini toptash, mavzuni yuzaki chaynash, "dedi-dedi"larning ko'payib borishi bir paytlar AQSH tajribasida "Trans War" ya'ni OAVdagagi "axlatlar jangi" deb ta'riflangan. Demak, "axlatlar urushi" bizga ham yetib keldi...

Sh.Qudratxo'jaevning fikricha, ulg'ayayotgan organizm og'riqlari singari bunday jarayonlarni barcha demokratik davlatlar boshidan kechirgancha. Savol tug'iladi, biz shunday sharoitda nima qilishimiz kerak? Nazarimda, o'zimizni tutu bilishimiz, shaxsiyatga tegmasligimiz, shaxsiy va jamiyatga oid masalalar o'rtasidagi farqni ajrata bilishimiz, nima bo'lgan taqdirda ham o'zaro hurmatni, bag'rikeng munosabatni saqlay bilishimiz muhim.

Muhimi, endi yuz bering voqealardan to'g'ri xulosa chiqrish, faqat oldinga intilish lozim. Bu esa fuqarolarning qonuniy manfaatlarini ta'minlash, aholi turmush farovonligini yuksaltirish, bir so'z bilan aytganda, xalqni rozi qilishdeq oljanob maqsadlar ro'yobiga xizmat qiladi.

...Hayot yo'llari turfalogi, unda goh quvonch, goh g'am almashib turishi hech kimga sir emas. Ayni vaqtida hech bir inson men doim hayotning tekis va yorug' yo'lidan yuraman, deb aytta olmaydi. Chunki bu yo'llarning oq va qora chiziqlarini hamma birdek bosib o'tishi azaliv qonuniyat.

Ammo bir haqiqat borki, sabrli, imon-e'tiqodli, aqlga tayanib ish ko'radian odamlar hayotning qora chizig'i matonat bilan bosib o'tadi. Lekin hamma ham odam. Kinnidir birgina yomon ishi uchun chohga itarib bo'lmaydi. Uni kechirish, to'g'ri yo'l topishiga imkon berish, zarur bo'lsa, qo'llab-quvvatlash asl insoniy qadriyatlardan hisoblanadi. Muqaddas dinimizda ham banda bilib-bilmay xato qilib qo'ysa, so'hg xatosini tan olib, tavba qilsa barcha qilimshi kechirilishi, zimmasidan soqit bo'lishi ta'kidlangan.

Bir donishmandan "Qachon odamlar bir-biriga doimiy mehr-oqibatda bo'ladi?" deb so'ralganda, u: "Odamlar bir-birini kechirib yashsha" degan ekan. "Nega doimiy mehr-oqibatda kechirilmilish shart qilinayapti?" degan savolga esa, "Sababi odamlarni xatodan holi yashay olmaydi" deb javob beragan ekan.

Chindan ham media olamidagi janglar har qanday

jamiyatda ham o'tish davri og'riqsiz o'tmasligini anglatayapti. O'zaro muloqotlardagi ziddiyatlar, aggressiv munosabatlarning tobora kuchayib borayotgani, bilib-bilmay xato qilgan kishilar faoliyatidan haddan ziyod keskin xulosalar chiqarilayotgani jamiyatda sun'iy tarzda cho'zigan transformatsiya jarayonlarining og'ir oqibatidir. "Iste'foga chiqsin, qattiq jazolansin" qabiligida da'vatlar esa mehrli, oqibatli va kechirimililikni fazilat sanagan millatning qiyofasini ko'sratmaydi, aslida.

Ma'lumki, keyingi uch yillik hayotimiz niyoyatda tezkor o'zgarishlar bilan kechdi. Bir soha yoki tizimda emas, barcha yo'nalishlarda bir xil o'zgarishlar amalga oshirilmoqda.

So'nggi yillarda barcha hududlarimizda, hatto chekka qishloqlarimizda ham "Obod mahalla", "Obod qishloq" dasturlari doirasida ulkan bunyodkorlik ishlari olib borilyapti. Zamonaviy, ko'rkam uy-joylar, ijtimoiy ob'ektlar qurilyapti.

To'g'ri, jamiyatimizda bo'layotgan o'zgarish, voqe'a-hodisalarga har kim o'z qarashlaridan kelib chiqqan holda munosabat bildirishga haqli. So'z erkinligi, fikrlar mustaqilligiga daxil qilishga hech kimning haqqi yo'q. Lekin bu o'ylamay, mushohada qilmay, bugungi kun shart-sharoitlarini inobatga olmay tilga kelgan gapni aytish, so'z erkinligini xohlagancha siiiste'mol qilish degani emas. Hudud aholisi ming pushaymon bo'lgan hokimlarni kechirib turgan bir sharoitda, ijtimoiy tarmoqlar orqali yana odamlar fikri, qarashlarini o'zgartirishga harakat qilinayotganini tushunish qiyin, albatta.

To'g'ri, kamchiliklar haqida yozish kerak. Nuqsonlarga yo'li qo'yanlar, aholi talabi va xohisiga zid ish tutib, mavjud muammolarga befarq qaraganlar har qancha tanqidga arzyidi. Ammo bularning barchasi xolislikka asoslangan bo'lishi shart. Tirnoq ostidan kir qidirish esa o'rtaga shaxsiy manfaat, shaxsiy qarashlar aralashayotganidan dalolatdir. Bu jurnalistlar, blogerlar vazifasi yoki maqsadiga ham kirmasa kerak. Buning esa xavfi tomonlari ham bor. Ya'ni ayrim blogerlarning quyushqondan chiqishi, jamiyatga, fuqarolarga muayyan bir shartlar qo'yiliши demokratiyaga, so'z erkinligiga salbiy ta'sir etishi mumkin.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi odamlar manfaati, yurt taraqqiyotiga qaratilgan har qanday sa'y-harakatlarni ma'qullaydi va yuqoridaqidek masalalarda ham murosuya madora yo'lini tanlash tarafdir ekanini doimo ta'kidlab kelgan.


Agar O'zbekistonimizni yuksak manzillarga qarab suzib ketayotgan bir kemaga o'xshasak, barchamiz — 33 million vatandoshimiz shu kemaning yo'lovchilari ekanini anglab yetamiz. Kema ichida xotirjamlik va hamjihatlikning bo'lishi shundoq ham serdovul va sezilmas suv osti bo'ronlariga boy hayot ummonida barqaror ilgarilashimizni ta'minlaydi. Turli fikrlarni ro'kach qilib shovqin-suron ko'tarsak, hadeb kinnidir yoqasiga yopishsak, kemaning muvozanatini buzamiz va nafaqat o'zimiz, kelajak avlodlarimiz uchun ham xavf tug'dirgan bo'lamiz.

Albatta, fikrlar xilma-xilligi, turli dunyoqarashlarning bo'lishi tabiiy hol. Xudo insonni turli tilli, irqli va millatli etib yaratib unga o'zaro ahil yashash va birgalikda rivojlanishni buyurgan. Bas, shunday ekan, bir-birimizni inson ekanligimiz uchun hurmat qilishni o'rganishimiz lozim. O'zaro fikrlashimiz, tortishimiz, ba'zan inkor qilishimiz, o'zgartirishimiz zarur. Zero, plyuralizm haqiqatni tiniqlashtiradi. Lekin bu tortishuvlar mamlakatimiz manfaatlari, ona Vatanimizning yuksalishi maqsadida birlasha oladigan bo'lishi lozim.

■ Ravshan MAHMUDOV,
"Milliy tiklanish" gazetasi sharhlovchisi

8-11-avgust kunlari
Olmaliq shahrida
O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti sovrini uchun
belbog'li kurash bo'yicha
2002-2004-yillarda
tug'ilgan o'smirlar va
qizlar o'ttasida jahon
championati o'tkazildi.

**OLMALIQ
JAHON
CHEMPIONATIGA
MEZBONLIK
QILDI**



Unda Rossiya, Germaniya, Xitoy, Isroil, Hindiston, Eron kabi dunyoning 40ga yaqin mamlakatidan 200 nafr sportchi ishtirok etdi. Jalon birinchiligidagi o'g'il bolalar o'n bir, qizlar esa etti vazn bo'yicha bahslashdi.

— Kurash xalqimiz milliy qadriyatlari, urf-odatlari bilan chambarchas bog'liq, shu sabab "Milliy tiklanish" demokratik partiysi Toshkent viloyati kengashi ham mazkur xalqaro musobaqaga alohida tayyorgarlik ko'rди, — deydi O'zMTDP Olmaliq shahar kengashi raisi O'ratali Mirzanov. — Tadbir oldidam Olmaliq shahrida "O'zbek kurashi" — jasorat va halollik timsolidir" loyihasi doirasida "O'zbek kurashi jahon maydonida" mavzusida davra suhabati tashkil etdi. Partiyamiz tashabbusi bilan shahrimiz yoshlari o'ttasida belbog'li kurash bo'yicha turli musabaqlar o'tkazdi.

To'rt kun davom etgan kurashlarda terma jamoamiz 14ta oltin medalni qo'lga kiritib, umumjamoa hisobida birinchi bo'ldi. Ikkinci o'rinni rossiyaliklar egalldi. Qozog'iston va Qirg'iziston terma jamoalari uchinchini o'ringa munosib ko'rildi.

■ Muslima JUMABOEVA,
O'zMTDP Olmaliq shahar
kengashi etakchi mutaxassisasi

INSON UZUM O'ZGARSA, JAMIYAT O'ZGARADI

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Toshkent shahar kengashi tomonidan partiyaning 2020-2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi muhokama qilindi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi partiya fraksiysi a'zolari, hududiy partiya tashkilotlari vakillari, mahalliy Kengash deputatlari hamda faollar ishtirok etgan tadbirda partyaning saylovoldi Platformasi bugungi kun talabiga mos kelmay qolgani uchun ham uni tubdan yangilash zarurligi ta'kidlandi.

Albatta, siyosiy maydonda saylovchilar ishonchini qozonishga intilayotgan partiya uchun davlat va jamiyat farovonligiga birdeki xizmat qiluvchi saylovoldi Platformasi zarur. 2020-2025-yillarga mo'ljallangan yangi saylovoldi Platformani esa partiya faoliyatiga befarq bo'limgan yurdoshlarimiz, ayniqsa, olim, ijodkor, ekspert va mutaxassislar fikr-mulohazasi, takliflarini inobatga olgan holda ishlash chiqish maqsadiga muvofiq. Samarqand va Namanganda bo'lib o'tgan debatda ham Platforma tanqidiy tahlil qilinib, partiya bugungi siyosiy maydonga qanday yangi g'oya va maqsadlar bilan chiqishi kerak, milliy yuksalishga halaqt berayotgan muammolar nimalardan iborat kabi savollarga javob izlandi.

Ma'lumki, yurtimizdagi yangilashishlar tufayli fuqarolarning qarashlari o'zgaryapti, huquqiy savodxonligi oshyapti. Muammolarni ochiq-oshkora aytishni o'rganayapmiz. Endi saylovchilarini quruq, balandparvoz va'dalarga ishortirib bo'lmaydi. Tan olish kerak, siyosiy partiylar hamon mudroq holatda, ularning uyg'onishi juda-juda qiyin kechyapti. Hatto ayrim partiylar qanday g'oyani ilgari surishni bilmay boshi qotayotgani ham haqiqat. "Milliy tiklanish" ning esa g'oyasi aniq: avalo jamiyatda milliy ong, milliy tafakkurni yuksaltirish, "Insonni o'zgartirmasdan, jamiyatni o'zgartirib bo'lmaydi" degan g'oya atrofida birlashib, milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari dadid qadam tashlashdir.

— Partiya yangi saylovoldi

Platformasida hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratishi lozim, — deya ta'kidladi debatda so'z olgan O'zMTDP Andijon viloyat kengashi raisi Hamidjon Omonov. — Bugun

Partiya saylovoldi Platformasi bugungi kun talabiga mos kelmay qolgani uchun ham uni tubdan yangilash ta'kazo etilmokda.

qaysi hunarmand bilan gaplashmang, mahsuloti uchun bozor yo'qligidan noliyi. Men hunarmandlik mahsulotlari uchun milliy brend yaratish taklifini ilgari surishni bilmay boshi qotayotgani ham haqiqat. "Milliy tiklanish" partiyasi Markaziy kengashi raisi Alisher Qodirov partiya yangilanishlar davrini boshdan kechirayotganini, ayniqsa, quiy bo'g'inlar faoliyatidagi kamchilik va nuqsonlar chuqur tahlil etilib, hududlardagi kengashlar, boshlang'ich partiya tashkilotlari kuchli, yetakchilik qobiliyatiga ega kadrlar bilan

to'ldirilayotganini ta'kidladi.

A.Qodirov shuningdek, partiya o'z g'oyasi bilan eng chekka hududlarni ham qamrab olishi, oddiy odamlarning fikr-mulohazalari asosida esa partyaning birlamchi hujjati sanalgan saylovoldi Platformasi butunlay qayta ko'rib chiqilishi lozimligini ta'kidladi.

— Ayollar bilan bog'liq bir og'riqli masala bor. Oilasi, turmush o'trog'idan jabr ko'rgan yoki muddatini o'tab qaytgan ayollarga ko'rsatilayotgan e'tibor yetarli darajada emas, nazarimda. Partiya saylovoldi Platformasida mahalla, oilalardagi xotirjamlik, tinchlik va osoyishtalikni saqlash, hayot tashvishlari va muammolarini sabtoqat, oqilalik bilan hal etish jarayoniga o'z hissasini qo'shayotgan xotin-qizlar manfaatlarini himoya qilish, qo'llab-quvvatlash kabi vazifalar ko'zda tutilishi zarur, — deya o'z taklifini bildirdi xalq deputatlari Bektemir tuman Kengashi deputati Feruza Jalilova.

— Bir paytlar xalqaro miyosda "Inson insoniyligini saqlab qola oladimi?" degan savol o'rtaqa tashlangan edi. Lekin o'shanda javob topilmadi. Bir isbot talab qilmaydigan haqiqat bor: insonni o'zgartirmay turib, jamiyatni o'zgartirib bo'lmaydi. Dunyoda odam savdosи, qotillik, o'g'rilik kabi jinoyatlar kun sayin ko'paymoqda. Afsuski, O'zbekiston ham bunday illatlardan xoli emas. Buning tub ildizi ma'naviyatsizlik, bilimsizlik emasmi? Nasihat qilishdash charchamayapmiz, lekin foydasini bo'lmayapti. Partiya saylovoldi Platformasida ma'naviyat, ta'lim va tarbiyani ustuvor vazifa sifatida belgilab, bu borada uzlusiz Konsepsiya ishlash chiqishga alohida e'tibor berishi lozim.

Bu — Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi rahbarining birinchi o'rnbosari Muhammadjon Quronoving fikrlari.

— Sud-huquq sohasida adolat o'rnatalishida hanuzgacha katta muammolar mavjud. Fuqarolardan ushbu sohaga taalluqli murojaatlari soni kamaymayapti, — dedi xalq



deputatlari Shayxontohur tuman Kengashi deputati, Oly Majlisning Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman) kotibiyati mudiri Saidbek Azimov. — Xo'sh, O'zMTDP o'tgan davr mobaynida bu yo'nalishda qanday ishlarni bajardi, degan o'rini savol tug'iladi. Sanoqli deputatlarimizgina amaliy ish qilgan bo'lishlari mumkin. Shuning uchun saylovoldi Platformada belgilangan sud-huquq sohasini nazoratga olish borasidagi ishlarni kuchaytirmasak, fuqarolarimizning bo'lajak saylovda partiymizga bo'lgan ishonchi kamayishi mumkin.

Bundan tashqari, sud-huquq tizimida inson huquqlari madaniyatini oshirish borasidagi ishlarni kuchaytirish lozim. Ya'ni, bu masalaga javobgar tashkilotlar bilan hamkorlikni kengaytirish kerak. Ammo, partiyaning saylovoldi Platformasida bu borada hech nima deyilmagan. Agar O'zMTDP chin ma'noda xalq ishonchini qozongan partiyaga aylanmoqchi bo'lsa, birinchi navbatda,adolatsizlikka qarshi kurashishga katta ahamiyat berishi, huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyatni barpo etishda qonun ustuvorligini ta'minlash mas'uliyatini ham zimmasiga olishi zarur.

Debatda partiya saylovoldi Platformasining mukammal bo'lishini ta'minlash uchun qator takliflar bildirildi. Jumladan, milliy qadriyat va urf-odatlarini saqlash, xavfsiz axborot uchun huquqiy asos yaratish, gender tengligini ta'minlash, ma'naviyat va ma'rifat, ta'lim, ilm-fan taraqqiyotiga, innovatsion ishlamlar rivojiga xizmat qiluvchi mustahkam platformani shakllantirishga qaratilgan maqsad va vazifalar yangi Platformada o'aksini topishi lozim.

Nukus, Termiz hamda Navoiy shaharlarida ham O'zMTDP Qoraqalpog'iston Respublikasi, Surxondaryo va Navoiy viloyat

kengashlari tomonidan 2020-2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platforma loyihasi muhokama qilindi. Tadbirda, shuningdek, dekabr oyida bo'lib o'tadiyan Oly Majlis Qonunchilik palatasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlari sayloviga tayyorgarlik ko'rish hamda bu borada amalga oshirilishi lozim bolgan masalalar muhokama qilindi.

Kelgusi sonda ushbu debatlar haqida batafsil ma'lumot beriladi.

■ Ravshan MAHMUDOV,
"Milliy tiklanish" muxbirini

Ochiq muloqot

AYOLLAR FAOLIGINI OSHIRISHDA UCH YO'NALISHDA ISH OLIB BORILADI ular nimalardan iborat?

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiysi Markaziy kengashi "Ayol — millat ovozi" mavzusida ochiq muloqot o'tkazdi. Tadbirda partiya Dasturi va 2020-2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasida xotin-qizlar masalasiga doir vazifalar atroficha muhokama qilindi.

Partiya Markaziy kengashi raisi Alisher Qodirov ayni kunda xotin-qizlarning huquq va erkinliklarini ro'yogba chiqarish, ularning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishga qaratilgan milliy qonunchilik ijrosini

ta'minlash muhim ahamiyat kasb etayotganini ta'kidladi. Olima ayollar, yozuvchi-shoiralar, davlat va jamoat tashkilotlarining faol xotin-qizlari ishtirok etgan tadbirda "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining

dasturiy vazifalariga xotin-qizlar yo'nalishida salmoqli takliflar taqdim etilishiga ishonch bildirdi.

Ta'kidlanishicha, partiyaning yangilanayotgan Ustavi, Dasturi va saylovoldi Platformasida xotin-qizlarning manfaatlarini himoya qilish, fuqarolik jamiyatining eng muhim bo'g'ini bo'l mish oila institutini qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratilmoqda, jamiyatda oila an'analarini ma'naviy qadriyatlarning asosiy manbalari sifatida e'tirof etilayotir. Oila qadriyatlarini mustahkamlash va undagi ayrim

salbiy ko'rinishlarga barham berish, oila, meros, uy-joy da'vos va maishiyy tur mush manbaida tug'iladigan boshqa nizolarni sudgacha hal etish tizimini rivoj-lantirish, bu borada mahalla xizmatidan samarali foydalanish muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, jismonan sog'lom va har tomonlama barkamol avlodni dunyoga keltirish, yosh oilalarga g'amxo'rlik qilish, ularni uy-joy bilan ta'minlash va boshqa iqtisodiy, huquqiy, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash ishlari ko'maklashish, xotin-qizlar o'tasida hunarmandchilik,

oilaviy tadbirkorlik, kasanachilikni rivojlanishiga kabi ustuvor vazifalar aks etayotir.

Mazkur vazifalardan kelib chiqqan holda ochiq muloqotda partiya Ustavida "Ayollar qanoti"ning tashkiliy-huquqiy asoslari va moliyaviy manbalarini belgilash, xotin-qizlar muammolari bilan ishslash, partiya tarafdochlari va kadrlar zaxirasini shakllantirishda mazkur tuzilmaning samaradorligini oshirish, partiya "Ayollar qanoti" orqali yosh siyosiy yetakchilar maktabining tarmog'ini yaratish zarurligi ham ta'kidlandi.

Ochiq muloqot ishtirokchilari O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiysi Dasturi va 2020-2025 yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi yuzasidan ham o'z fikr-mulohazalarini bildirdilar.

■ O'z muxbirimiz

BANK TADBIRKORGA QACHON QAYISHADI?

yoki islom tartib-qoidalariga asoslangan bank-moliya tizimini joriy etish qanday samara beradi?

So'nggi paytlarda islom bank-moliya tizimi va uni O'zbekistonda ham qo'llash haqida turlicha fikr-mulohazalar bildirilmoqda. Bu bejiz emas, albatta. Chunki tadbirkorlarimiz orasida o'z faoliyatini nafaqat amaldagi qonunchilikka, balki islom tartib-qoidalari asosida amalga oshirishni istovchilar ham ko'paymoqda. Qolaversa, "Halol" yorlig'i ostida mahsulot ishlab chiqarishni rejalashtirayotgan tadbirkorlar banklarning an'anaviy foizli kreditlaridan foydalanishga majbur bo'lmoqda. Chunki islom bank-moliya tizimida muhim hisoblangan foizsiz kredit, vaqtincha sheriklikka asoslangan investitsiyalar, ishonch asosida moliyalashtirish kabi usullar hali mamlakatimiz bank-moliya tizimidan o'rın olganicha yo'q.

Mutaxassislarning ta'kidlashicha, bu borada Londonni Yevropa islom bank-moliya tizimining markaziga aylantirishga erishgan Buyuk Britaniya hukumatining tajribasi diqqatga sazovor. 2000 yilda Angliya banki davlat G'aznachiligi bilan hamkorlikda bu tarmoqni rivojlantirishning imkoniyati va muammolarni ko'rib chiqish bo'yicha ishchi guruhni tuzadi. 2003 yilda mamlakat soliq va boshqarish tizimiga qator o'zgartirish hamda qo'shimchalar kiritiladi. Shu bois bugunga kelib Buyuk Britaniyada 20ga yaqin bank-moliya tashkiloti islom dini talablarini asosida ish olib bormoqda. Shu tariqa Buyuk Britaniya islom bank-moliya tizimida ham yetakchiligi qo'lg'a kiritdi.

O'zbekistonda islom tartib-qoidalari asoslangan bank-moliya tizimini yo'lg'a qo'yish masalasi kun tartibiga chiqishiga yurtimiz banklaridagi kredit foizlarining o'ta darajada yuqoriligi ham sabab bo'lmoqda, deyish mumkin.

Markaziy bank yaqinda qayta moliyalash stavarasini yillik 16 foiz darajasida o'zgarishsiz qoldirganini ma'lum qildi. Bu banklarning kreditlar bo'yicha o'rтacha foiz stavrasi yanada oshishiga sabab bo'ldi. 2019 yilning birinchi choragida bank kredit stavrasi

sabab bo'layotir. Chunki kredit oлган tadbirkor foliyatining uchinchini yoki to'rtinchini oyidan boshlab bankka kredit va foiz stavkalarini to'lovinu amalga oshira boshlashi lozim. Bank uchun esa korxonaning foydaga kirgan-kirmaganining mutlaqo qizig'iyo'q. Bankrot bo'lisingiz ham ularni umuman tashvishlantirmaydi. Chunki u yoqda oлgan kreditning qiyamidatinden yaqori narxda baholangan garovingiz turibdi. Sharhnomalar tuzilgan, sharlarni bajarishga majbursiz, aks holda bank bor-budgingiz tortib oladi.

Man shunday xaroitda har qanday kishining sharoitda islam tartib-qoidalari asoslangan kreditlardan keng miqyosda foydalansam bo'lmaydim, degan fikr-mulohazalar paydo bo'lishi shubhasiz. Bunday tartibda ishlayotgan banklar sizga kreditni foiz ko'rinishida emas, balki foydangizga sherik sifatida beradi. Siz berilgan moliyaviy yordamdan qancha ko'p daromad ko'rsangiz bankning foydasi ham shunga yarasha oshib boraveradi. Bunday ko'rinib turibdiki, bank ham sizning biznesingiz yanada rivojlanishidan, foydangiz oshishidan manfaatdir.

Ma'lumotlarga qaraganda, O'zbekiston kredit foizlarining yuqoriligi bo'yicha dunyoda yetakchi o'rinda turadi. Faqat Braziliya, Madagaskar, Gambiya, Argentina, Tojikiston va Mozambikda bundan bir oz yuqoriqo ko'satkich kuzatiladi, xolos. Bank foiz stavkalarining bunday yuqori qiyamti ko'plab biznes va iste'molchilarining qarz olishiga imkon bermayapti. Yoki tadbirkorlik muhitini va ish yuritish xavf-xatarlarining yanada oshishiga olib kelmoqda.

Tan olish kerak, bank kredit foiz stavkasining bunday yuqori darajada bo'lishi mamlakatimizda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishga jiddiy to'siq bo'layotgan omillardan biriga aylanmoqda. Foizlarning yuqoriligi sabab, hali biznesini endigina yo'lg'a qo'yib-qo'yaman, tetapoya bosqichidagi ayrim korxonalarining bankrot bo'lisinga, oddiy aytganda, sinishiga ham

ta'kidlashmoqda. Chunki islom tartib-qoidalari asosida oлgingan kredit hisobiga ishlab chiqarilgan "Halol" standartidagi mahsulotlarga nafaqat muslimon davlatlari, balki G'arb davlatlari ham talab oshib boryapti. Dunyo aholisining saltam to'rtidan bir qismini muslimonlar tashkil qilishini inobatga olsak, bu yo'nalishdagi ishlarni rivojlanirish qanchalik muhimligi o'z-o'zidan ayon bo'ladi.

O'zbekistonda ham tadbirkorlar va aholiga islom dini me'yorlari asosida xizmat ko'sratuvchi moliyaviy muassasalarni tashkil qilish ishlarni boshlangan. Ayni paytda "Hi-Tech Bank" mutasaddilari ana shu yo'nalishda rivojlangan davlatlar tajribalarini chuqr o'rganib, "Islamomy darcha" loyihasini yaratdi va amaliyotga tadbiq etdi. Bank bu borada AlHuda CIBE (Center of Islamic Banking and Economics) xalqaro tashkilot tomonidan sertifikat bilan ham taqdirdir.

2019 yilning birinchi choragida bank kredit stavkasi 23,4 foizni tashkil qildi. Iste'mol kreditlari esa ayrim banklarda 30 foizdan ham oshib ketdi. Ma'lumotlarga qaraganda, O'zbekiston kredit foizlarining yuqoriligi bo'yicha dunyoda yetakchi o'rinda turadi. Faqat Braziliya, Madagaskar, Gambiya, Argentina, Tojikiston va Mozambikda bundan bir oz yuqoriqo ko'satkich kuzatiladi, xolos. Bank foiz stavkalarining bunday yuqori qiyamti ko'plab biznes va iste'molchilarining qarz olishiga imkon bermayapti. Yoki tadbirkorlik muhitini va ish yuritish xavf-xatarlarining yanada oshishiga olib kelmoqda.

Jahon tajribasida sinalgan, qator afzallikkari bilan tan oлgingan islom bank xizmatlari bugungi kunga kelib nafaqat arab davlatlari, balki Amerika, Osiyo va qator Yevropa mamlakatlari ham keng qo'llanmoqda, — deydi bank boshqaruvi raisi Barhayotjon Sattorov. — Bunday bank xizmatlarining tashkil etilishi mijozlarimiz tomonidan iliq kutib olindi. U sherikchilik, mijoz biznesiga aralashmagani holda maqsadli, qaytarish va to'lovililik, daromad hamda ta'minlanganlik ta'moyillariga asoslangan holda moliyaviy mablag' ajratish orqali hamkorlik qilishni nazarda tutadi.

"Hi-Tech Bank" tomonidan taqdim qilinayotgan islomiy moliyalashtirish loyihasiga ko'ra, mijoz biznes-rejasiga asosan loyihaning 25 foizidan kam bo'limgan miqdorini o'z hisobidan shakllantiradi. Qolgan 75 foizi esa bank tomonidan qoplanadi. Moliyalashtirayotgan loyiha qonun hujjalarda ta'qilangan faoliyat turlari, shuningdek, alkogol, tamaki mahsulotlari ishlab chiqarish va sotish, qimor o'yinlari kabi sha'riy harom hisoblangan faoliyat turlariga sarflanmasligi lozim.

Moliyalashtirish bank va mijoz o'rtasida birlgiligidagi hamkorlik biznesi tamoyilli asosida amalga oshirilib, daromad sherikchilik asosida qo'shgan hissasiqa qarab, tegishli ulushlarda taqsimlanadi. Soda qilib aytganda, mijoz, ya'ni tadbirkor olib borayotgan faoliyatdan ko'rgan daromadni kelishilgan summada bank bilan baham ko'radi. Tadbirkor sharhnomaga asosan har oyda oлgan kreditiga foiz to'lamasdan, biznesidan ko'rgan foydadan ulush to'laydi. Mabodo kredit mablag'idan belgilanmagan maqsadlarda foydalansilmasa, bank mijozdan mablag'ini muddatidan oldin qaytarib oladi va sharhnomani bekor qiladi. Umuman, islomiy moliyalashtirishning afzallikkilari eng muhim, bank bilan mijoz o'rtasida tuzilgan loyihadan ko'riigan foyda tomonlar o'rtasida adolatli taqsimlanadi, ta'minotdagil imtiazlar, ko'zda tutilgan daromadni oyma-o'yeng taqsimlangan holda qaytarilishi, mijoz faoliyatining suverenitetini ta'minlaydi. Birorta muammo yuzaga kelsa, o'zaro manfaatlari muzokaralar o'tkazish, penya va jarima to'lovlarisiz hal qilinadi.

To'g'ri, islom bank-moliya tizimi faoliyatini ham bekami ko'st, kamchiliklardan xoli deb bo'lmaydi. Chunki bu soha hali to'liq o'rganilmayapti. Buning uchun avvalo islom banki tizimini chuqr tadtqiq etish, mutaxassislar tayyorlash va uning huquqiy asoslarini yaratish muhim ahamiyatga ega.

■ Ravshan MAHMUDOV,
"Milliy tiklanish" muxbirini

SAYLOVDA NEGA PARTIYA G'OVASICA EMAS, SHAXS MAVQEIGA TAYANAMIZ?

Bugun demokratik qarashlar mustahkamlanayotgan bir davrda jamoatchilik nazorati, jurnalistlar ushbu sa'y-harakatning asoslaridan biri sifatida ishtirok etishi nazarda tutilmogda. So'nggi yillarda jamiyatimiz taraqqiyotning yangi bosqichiga ko'tarildi, muammolar ro'y-rost, ochiq-ozydin aytila boshlandi. Bunday so'z erkinligining shabdalari, dastlab, Internet saytlari, turli ijtimoiy tarmoqlarda boshlandi. Ushbu jarayonda o'zining o'tkir qarashlari, keskin fikrlari bilan omma e'tiborini tortgan, kezi kelsa keng miyosdagи muammolarga yechim topilishiga turki bo'lgan blogerlik instituti paydo bo'ldi.

"Milliy tiklanish" gazetasi o'z faoliyatini yangi qiyofa, shakl va mazmunda davom ettirar ekan, ana shunday mustaqil fikrlaydigan blogerlarga keng o'rin berishga qaror qildi. Bu yangi loyiha davomiy bo'lib, gazetamizning har bir sonida ko'zga ko'rigan blogerlarning dolzarb mavzular yuzasidan bildirgan fikr-mulohazalari e'lon qilib boriladi.

Loyihaning bu galgi ishtirokchisiga quyidagicha savol bilan murojaat qildik:

— O'zbekistonda saylov jarayonida ko'proq partiya uchun emas, shaxslarga ovoz berish odatga aylangan. Xorij tajribasida esa ko'p holatlarda saylovchilar alohida shaxsga emas partiya va uning g'oyalariga ovoz berishga o'rgangan. Bu holat qanday omillarga bog'liq, deb o'ylaysiz?



Gazetamiz bilan hamkorlik qilishni istovchi blogerlar hamda ijtimoiy tarmoqlardagi faol jurnalistlarni hamkorlikka chaqiramiz.

Sahifani "Milliy tiklanish" muxbirni Muxtorbek ABDULLAEV tayyorladi.

— Tasavvur qilaylik, bir hududda futbol anchadan beri "o'lik", hududning bosh futbol jamoasi ham necha yillardan buyon kuchsizlar qatorida. Lekin yangi yildan jamaoda birdan kuchli (maoshi ham shunga yarasha) futbolchilar paydo bo'lib qoladi, sharoitlar yaxshilanadi; o'tgan yili safar o'yinlariga borishga pul topolmay yurgan jamaoa kutilmaganda xorijda o'quv-mashg'ulot yig'ini o'tkazadi. Oradan yarim yil o'tar-o'tmay yana "eski xammom, eski tos" — kuchli futbolchilar ham jamaoni yarim yo'da tashlab ketgan, yil boshidagi g'oliblik haqidagi o'ylar yo'qa chiqqan, farroshga to'lashga ham pul yo'q...

Sababini surishtirsangiz, yangi yil arafasida hududga yangi, jumladan, futbolga qiziqadigan hokim tayinlangan bo'ladi. Shu qiziqishining ortidan u hududda, xususan, futbolni ham ko'tarishga urinadi, nimalardir qiladi ham. Olti-yetti oydan keyin esa u boshqa ishga o'tib ketadi (yoki umuman siyosatdan chetlatiladi), uning, xususan, futbol sohasida boshlagan ishlari ham o'lda-jo'lda qoladi...

Nega shunday? Futbolni rivojlantirish bo'yicha mamlakat rahbariyati ham, hukumati ham ko'plab hujjatlar qabul qilgan. O'sha hujjatlarda belgilangan vazifalar to'liq bajarilsa, qo'yilgan talablarga vijdondan amal qilinsa, rahbari futbolga qiziqs-qiziqmasa har bir hududda futbol rivojlanaverishi kerak aslida. Yo'q, bari shaxsga (ayni holatda — rahbarga) bog'liq — agar shaxs futbolga qiziqs, mamlakat rahbariyati va hukumati qarorlaridan unumli foydalaniib, futbolni rivojlantiradi. Shaxs futbolga qiziqmasa, qarorlar ijrosi o'lda-jo'lda qoladi — ijroning o'lda-jo'lda qolmasligini ta'minlaydigan samarali tizim yo'q, bo'lsa ham ishlamaydi; eng yomoni — avvalgi rahbar boshlagan tashabbuslar yangisining davrida yo'qa chiqarilishi ham bor.

Va xuddi shunday ayanchli manzarani boshqa ko'plab sohalarda ham ko'rish mumkin: shaxs, shaxs va yana shaxs. Tabiiyki, bunday sharoitda odamlar tizimga, tizimni quradigan tashkilotlarga ishonmaydi, hatto ularning borligini bilmaydi ham — faqat shaxsga tayanadi, uning so'zlarini qonundek qabul qiladi.


Shuning uchun ham bugun ijtimoiy tarmoqlarda: "Falonching nomzodi qaysi partiyadan ko'rsatilishining farqi yo'q, Oly Majlisiga saylovlardara baribir una ovoz beraman", mazmunidagi fikrlar yangramoqda. Rivojlangan mamlakatlar uchun bunday bayonotlar mantiqsizlikdek ko'ringan bo'lardi. Axir, odamlarning ko'ziga iqtisodiyotni liberallashtirish, import cheklolvarini yo'qotish tarafdrordek ko'rinyotgan kishining nomzodi qanday qilib mahalliy tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlashdek "yuksak maqsad" yo'lida xalqni kambag'allashtiradigan protektzionizmi targ'ib qiluvchi konservativ partiya nomidan ko'rsatilishi mumkin? Darhaqiqat, mumkin emas. Lekin bizda partiyalar o'rtasida bunday farqlarni ko'rmaysiz — ularning qay biri erkin bozor tarafdoi-ru, qay biri protektzionist? Aksincha, tadbirkorlarning himoyachisi bo'lgan partiya ularning binolari buzilayotgan vaqtda ma'naviyat haqida gapira boshlashiga, ma'naviy asoslar uchun kurashuvchi partiya esa ma'naviyat niqobi ostida "zapretlar to'iqini" ko'tarilganida yangi ish o'rinnari yaratish haqida ma'ruza o'qishiga guvoh bo'lish ehtimoli yuqoriyoq.

Partiyalarimizning nomida "demokratik", "liberal-demokratik", "sotsial-demokratik" degan qo'shimchalar bor, qarab tursang xuddi bir-biridan farq qiladigandek, lekin aslida bir butunning besh qismiga o'xshaydi ular — hatto bir-birini eplab tanqid qilaolmaydi, eplab bir-biriga muxolifat bo'la olmaydi. "Nomzodi qaysi partiyadan ko'rsatilsa ham ovoz yig'adigan" shaxsda esa hammasi aniq — u nima tarafdoi-ru, nimaga qarshi — barini ochiq aytadi, odamlar uning niyatini biladi.

Maqsadi aniq, niyati oydin bo'lgan odamga esa ishonsa bo'ladi.

Muxrim
A'ZAMXO'JAEV,
bloger





AXSIKAS, AXSHINKAS, OQSUVKAT yoxud Axsikent haqida biz bilmagan haqiqatlar

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar

Mahkamasining 2017-yil 16-oktyabrdra "Namangan viloyatining To'raqo'rg'on tumanida "Axsikent" arxeologiya merosi obyektni muhofaza qilish va tadqiq etish yodgorlik majmuasini tashkil etish to'g'risida"gi qarori e'lon qilindi.

Tarixchilarning e'tirof etishicha, agar ushbu qaror qabul qilinmaganida, Farg'ona vodiysi, ayniqsa, Axsikentning uzoq yillik tarixi izzsiz yo'qolib ketishi mumkin edi. Mazkur qarordan so'ng nafaqat Namangan davlat universiteti tadqiqotchilari, balki Axsikent tarixi va uning ilm-fan rivojidagi tutgan o'rni bilan qiziqqan barcha ilm ahli uchun keng imkoniyat eshlari ochildi. Chunki Axsikent ilmiy jihatdan chuqur tadqiq etilmash ekan, Farg'ona tarixi, qolaversa, mamlakatimiz va dunyo taraqqiyotida munosib o'ringa ega bo'lgan vodiylari o'tmishi to'liq ochilmay qolaveradi.

Ma'lumki, Farg'ona vodiysi shaharlari nafaqat tabiatining go'zalligi balki, Buyuk ipak yo'lli chorrahaisida joylashgan savdosotiq markazi, ilm-fan, san'at, me'morchiilik, diniy va dunyoviy fanlar markazi, kashfiyotchi mutafakkirlar makoni bo'lgani bilan mashhurdir. Axsikent esa bu shaharlari ichida alovida o'ringa ega va u o'rta asrlarda vodiyning eng so'lim, o'z davrinining yirik ilmiy markazalaridan biri hisoblangan. Shu bilan birga shahar vodiylari ilmiy muhitida tarbiya topgan olim fuzaqlolar ijod uyi sifatida ham dong taratgan.

Axsikent yodgorligi — qadimiy shahar xarobasi. Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumanidagi Shahand qishlog'i hududida, Sirdaryoning o'ng sohilida joylashgan. Tarixiy ma'lumotlarga qaraganda, Axsikat shahri

miloddan avvalgi III-II asrlarda vujudga kelgan, IX-X asrlarda Farg'ona vodiysining poytaxti bo'lgan. 1219-yilda mo'g'ullar tomonidan butunlay rayvon qilingan. Uning eski o'rnidan 5-7 kilometr g'arbdagi bunyod etilgan yangi Axsikat esa XIV-XVII asrlarga mansubdir.

Farg'ona vodiysi shaharlari nomini o'ziga nisba qilib olgan olimlarning ilmiy merosi, hayoti to'g'risida ma'lumotlar juda kam yetib kelgan. "Axsikent" arxeologiya merosi obyektni muhofaza qilish va tadqiq etish direksiyasi ilmiy xodimlari viloyat "Ajodolar merosi" jamoat fondi bilan birga bir necha yil mobaynida qadimiylar qo'yozmalarini o'rganib, Axsikent deparasida yetishib chiqqan allomalar, ularning hayoti, ijodi va ilmiy merosini tadqiq etdi. Jumladan, Axsikati,

Kosoni, Marg'iloni, O'zgandi, Farg'oniyalar o'z davrinning yetuk olim va mutafakkirlari bo'lgani, ularning ilmiy, badiiy salohiyati xalqaro miqyosida e'tirof etilganini aniqladi.

Axsikent — Farg'ona mintaqasidagi markaziy bosh poytaxt shahar hisoblangan. Uning nomi tarixiy manbalarda turlicha kelgan. Xorazmiy Axsikas, Beruniy Axshiykas, Yaqut Hamaviy va Idrisiy Axsiykas va boshqa tarixchilar har xil ko'rinishda bitganlar. Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" va boshqa asarlarida Aksi, Mirzo Muhammad Haydar "Tarixi Rashidiy"da Aksi, 1030-hijriy yilda Axsikentda bo'lgan zilzilani o'z ko'zi bilan ko'rgan Muhammad Toxun bin Abu ul Qosim "Ajoib ut Tabokat" asarida Aksi deb zikr qilgan. Temuriylar va Shayboniyalar davrida Axsikentda zarb qilingan tangalar ham "Aksi shahrida zarb qilingan" deb yozilgan.

Axsikent tarixini o'rganish borasida fidoyi olim Tohirjon Qozoqovning fikricha: "...Aksi so'zinining sof turkiy tildan olinganiga shubha yo'q. Axsikent Norin va Qoradaryo qo'shilishidan hosil bo'lgan Sirdaryo qirq'og'ida joylashgan bo'lib, Norin daryosining qadimgi nomi "Oqsuv daryo" bo'lgan. O'lkamizda buloqlardan boshlangan daryolar "Qorasuv", tog'lardan boshlanganlari esa "Oqsuv" nomi bilan atalgan. Shu bois shaharni "Oqsuv bo'yidagi shahar Oqsuv kent" deb atalishi qidronomika jihatdan to'g'ri bo'ladi. Keyinchalik xalq tilida "Oqsuvkat" Axsikent bo'lib ketgan bo'lishi mumkin. "Kat" so'zi


qadimgi turkiy tilda qal'a, shahar ma'nolarini anglatgan".

Ma'rifatparvar olim Is'hoqxon Ibrat domla "Turkiston viloyatining gazeti"da chop etilgan maqolalari hamda "Tarixi Farg'on'a" asarlarida hijriy 1030-yildagi Axsikent zilzilasidan keyin, keyingi 200 yil ichida paydo bo'lgan 15 ta qishloqni sanab o'tgan. Hozirgi kunda bu qishloqlar istiqomat qiluvchi aholining Oksi, Es oksi iboralarini ishlashiham shunga dalolat qiladi.

Arab, fors tillaridagi manbalar va boshqa tadqiqotchilar nazdida Axsikent atamasini ham Movarounnahrning ko'plab shaharlari atamasini kabi ikki qismidan tashkil topgan: birinchi

poytaxti hisoblangan. Qadimgi Xitoy manbalariga asoslansak, eramizdan avvalgi davr, arab va fors tillaridagi hamda boshqa o'rta asr manbalarida arablar kirib kelgan va sonomiyalar davrida ham bosh shahar, poytaxt bo'lgani aytildi. Temuriylardan Umarshayx Mirzo, Shayboniylardan Jonibek Sultanlar Axsikentni poytaxt qilganlar.

Shaharda ma'muriy binolar ark, mudofaa devorlari va minoralari, zarbxona, jome' masjidi, chillaxona, madrasalar, kutubxona, devonxona, erkaklar va ayollar hammomi, yer osti va usti suv yo'lli inshootlari tizimi mavjud bo'lgan. Shahriston va



bo'lagi Aksi yoki Axshi, ikkinchi bo'lagi esa boshqa ko'plab shaharlari atamasiga qo'shilib kelayotgan "kat" va "kas" ko'rinishidir. Axsikent so'zining birinchi tarkibiy qismi so'g'd tilida "axshiyz" va "xshiyz" so'zlar bo'lib, bosh, boshliq, rahnamo, xo'jayin, ega degan ma'nolarni anglatadi. Ikkinchi qismi esa shahar yoki qishloq, aholi yashash maskani ma'nolarnini anglatadi.

Ma'lumki, hozirgi Norin daryosi va Qoradaryo qo'shilishidan hosil bo'lgan azim Sirdaryoni arab va fors tilidagi manbalarda "Sayxun daryosi", "Shosh daryosi" ham deb yuritilgan. Azim daryoning chap shimaliy qirq'og'ida joylashgan ko'hna va qadimiy shahar Axsikent Farg'ona vodiysining

uning tashqarisida bozorlar, duradgorlik, yog'och o'ymakorligi, kulolchilik, misgarlik, shishasozlik, temirchilik, qandolatchilik, to'qimachilik bilan shug'ullanuvchi hunarmandlar mavzeleri bo'lgan. Shuningdek, sharqiy tonomida (hozirgi Shahand o'rnilarida) bozor va karvonsaroylarning faoliyat ko'satgani, bir necha kilometrga cho'zilgan bog'-rog'lar bunyo etilgan mal'um. Axsikent va uning atrofida bog'dorchilik, dehqonchilik, savdo-sotiq, ilmma'rifat, ishlab-chiqarish va boshqa omillar aholining farovon hayot kechirgani, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy taraqqiyot yuqori darajada bo'lganidan dalolatdir.

A.RAHMONOV,

Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati,

A.VOHIDOV, B.RUZINOV,

"Axsikent" arxeologiya merosi obyektni muhofaza qilish va tadqiq etish direksiyasi ilmiy xodimlari

ILK MILLIY SIYOSIY

PARTIYANING AYANCHI QISMATI



Bosh vazir
Akbar Islomxo'ja
Ibrohimxo'ja o'g'li

O'zbek milliy siyosiy partiyalar garchi uzoq yillik tarixga ega bo'lmasa-da, lekin Vatanimiz tarixida o'ziga xos o'rinni tutadi. XX asr boschlari da jadid taraqqiyat parvarlar harakatining kuchayishi natijasida "Yosh xivaliklar", "Yosh buxoroliklar", "Sho'roi Islomiya", "Turk Adami Markaziyat", "Turkiston taraqqiyat parvarlar" partiyalari paydo bo'ldi va ular xalqning siyosiy faoliyati oshishish, ommani chor Rossiysi mustamlaqlashlari siyosatiga qarshi uyg'otish, o'lkada milliy mustaqil davlat barpo qilishga kirishdi. Ammo bu partiyalar chor ma'murlari va mahalliy hukmadorlar, keyinroq sho'ro hukumatining keskin qarshiligi duch keldi. Siyosiy, nazariy va tashkiliy jihatdan yetuk shakllanib ulgurmay, yo'boshchilar qatag'onga uchradi, surgun qilindi.

"Yosh xivaliklar" garchi qisqa vaqt faoliyat ko'satgan bo'lsa-da, lekin ilk milliy siyosiy partiya, ham nisbatan katta muvaffaqiyatga erishgan harakat edi. "Qatag'on qurbanlari" davlat muzeysi katta ilmyn xodimi, tarix fanlori bo'yicha falsafa doktori Bahrom IRZAEV bilan suhbatimiz shu mavzuda bo'ldi.

Ma'lumki, "Yosh xivaliklar" dastlab guruhi sifatida faoliyat ko'satgan. Ularning siyosiy partiya sifatida namoyon bo'lismiga qanday omillar sabab bo'ldi?

— XX asr boshida Turkiston o'lkasida bo'lgan kabi Xiva xonligida ham taraqqiyat parvarlar faoliyati kuchaydi. Xiva jadidlarining aksar qismi xon saroyiga yaqin, o'ziga to'q olalarning farzandlari bo'lgan va ular yig'ilishib, she'xonlikdan tashqari erk, adolat va dunyoda kechayotgan voqe'liliklarga doir suhbatlar qurishardi. Xonlikda ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy o'zgarishlar, islohotlar o'tkazish bo'yicha fik almashardi.

Aynan shu paytda, ya'ni, 1911 yilning 23 yanvaridan bosh vazir Akbar Islomxo'ja Ibrohimxo'ja o'g'li xonlik hayoti uchun muhim bo'lgan 10 banddan iborat islohot dasturini amalga oshirishga kirishdi. Unda xon xizmatidagi larda ish haqi tayinlash, yer soliq'i, bozor to'lovlarini tartibga solish, suvdan oqilona foydalanish, zamonaviy shifoxonalar barpo etish, vaqf yerlaridan keladigan daromadning bir qismini maorif-madaniyat ishlariiga sarflash, yangi usuldagagi maktablar ochish, ta'lim tizimiga dunyoviy fanlarni kiritish kabi dolzarb masalalar ilgari surilgan edi. Ushbu islohotlar aslida "Yosh xivaliklar" g'oyasini to'la ifodalardi. Ammo boshlangan ishlar 1913-yil 9-avgust kuni Islomxo'janing shahid qilinishi bilan to'xtab qoldi.

"Yosh xivaliklar" tub islohotlarsiz maqsadga erishib bo'lmagligini anglab, siyosiy partiya sifatida faoliyat yuritishni lozim topdi va 1914-yilning avgustida Polvonniyoq hoji Yusupov rahbarligida Xiva shahrida inqilobiy tashkilot tuzildi.

— Ilk milliy siyosiy partiya o'z dasturiga ham ega bo'lgan ekan. Unda asosan qanday maqsad-zavifalar belgilangan?

— 1917-yil fevral inqilobi "Yosh xivaliklar" faoliyatiga kuchli ta'sir ko'satdi va ular ochiq kurash yo'liga otdi. "Yosh xivaliklar" o'z safiga ziyorolar, hunarmand, dehqon va savdogarlar, islam ulamolari hamda ayrim davlat amaldorlarini birlashtirib, partiya dasturida mamlakatda konstitutsiyaviy monarxiya o'rnatish, xonlik tuzumini tenglik va ozodlikka asoslangan boshqaruv bilan almashtirish, zulmga qarshi kurash, xalqni ma'rifatlari qilish kabi maqsad-zavifalar qo'yilgan edi.

1917-yil 5-aprelda Xiva xoni Asfandiyorxon "Yosh xivaliklar" taqdim etgan manifestini imzolashga majbur bo'ldi. Manifestda Xiva davlatida vazirlilik va amaldorlik

vazifalarini aholi tomonidan saylangan va tayinlangan vijdonli, adolatparvar kishilar bajarishi, xalq xohlasmagan vazir, amaldor va hokimlar ishdan olinib, jinoynoti isbotlansa, shariat onunlari asosida jazoga tortilishi, barcha amaldor va davlat xizmatchilariga vazifalariga yarasha xazinadan maosh ajratilishi, Xiya daylatining moliya ishlari uchun xazinachi joriy qilib, kirim-chiqimlarni nazorat qilish topshirilishi kabi 7 banddan iborat talab qo'yilgan edi.

Manifest ijirosini ta'minlash uchun 30 vakillardan muvaqqat qo'mita tashkil etildi. Mamlakatni boshqarish uchun Xiva xoni huzurida Majlis va Nozirlar kengashi tuzildi. Chor Rossiysi bilan munosabatlarni yaxshilash uchun maxsus vakil tayinlandi va shu tariqa "Yosh xivaliklar" Xiva xonligida bir muddat yetakchi siyosiy kuchga aylandi.

— "Yosh xivaliklar" o'ta murakkab sharoitda ish olib borgani tarixdan yaxshi ma'lum. Chunki chor Rossiysi "bir o'q bilan ikki quyonni urish", "ketmonning sopini o'zidan chiqarish" siyosatini yurgizayotgan edi. Ya'ni qarshi kuchlar siyosiy partiya xatt-i-harakatini shunchaki chetdan kuzatib turmagan bo'lsa kerak?

— Albatta, ular "Yosh xivaliklar" kuchayishidan manfaatdor emas edi va shu sabab tish-tirmog'i bilan qarshiligi ko'sata boshladi. "Yosh xivaliklar" partiyasi etakchilaridan Jumaniyoq hoji Boboniyoz o'z xotirasida "...Niqolaylar hukumati Xiva xonlig'i o'z himoyasida bo'lib turg'oniga ham qanoat qilmasdan to'g'ridan-to'g'ri boshqa mustamlakalari qatorig'a qo'shish va Xiva xonlig'i butunlay yo'q qilish uchun har turli vositalar bila zaminlar tayyorlamoqda ekani ma'lum bir narsadur. Mana shuning uchun Niqolay ma'murlari Xiva to'g'risida shunday tadbirlarini qilish'a kirishdilar: bir tomonidan xalq orasida tinchsizliq tug'dirish, ikkinchidan xalqni yoshorun ravishida o'zlariga tortish, uchinchi tomonidan bo'lsa Xiva xonlig'i bilan rasmiy muomalalarni uzmasdan o'rtag'a kelib chiqqon qiyinchiliqlarda mujmal kengashlar berib, yomon vaziyatlarga qoldirishdan iborat edi" deb yozgan edi.

1917-yil may oyida Majlis raisi Boboouxon Salimov boshchiligidagi delegatsiya Muvaqqat hukumat vakillari bilan muzokara o'tkazish uchun Toshkentga jo'naydi. Asfandiyorxon esa vaqtidan foydalaniib, Muvaqqat hukumatning Xivadagi vakili — general Xo'ja Mirbadalov



I-Xorazm qurultoyi

boshchiligidagi harbiy kuchlarga tayanib, iyunda Majlisni tarqatib yubordi. Xon o'ziga ma'qul kishilardan Majlis va Nozirlar kengashiga tayinlab, "Yosh xivaliklar" dan shafqatsiz o'ch olishga kirishdi. Majlisning 17 a'zosi qamoqqa olindi va partiyaning barcha a'zolari "kofir" deb o'lom qilindi.

1917-yilning sentyabrda Xivaga polkovniki Zaytsev boshchiligidagi kazak otryadi kirib keldi. Shu yil 21-novabrda "Yosh xivaliklar" ustidan "gozilarning shariat sudi" o'tkazildi va Asfandiyorxon kazaklar yordamida Majlisni butunlay tugatdi. Xonning istiboddor tuzumi bilan kurashda mag'lubiyatga uchragan "Yosh xivaliklar" mamlakatdan chiqib ketishga majbur bo'ldi. Ayrimlari xon buyrug'i bilan qatil qilindi.

1918-yilning martida Polvonniyoq hoji Yusupov bir guruhi safdoshlari bilan Toshkentda "Yosh xivaliklar" inqilobiy qo'mitasini tuzadi va yangi dastur ishlab chiqib,

iyul oyida o'zlarini "Xiva inqilobiy partiyasi" deb e'lon qildi. Yangi dastur xon va uning hukumati tomonidan mamlakat yakka boshqaruvini butunlay tugatish, shariat hukmi bilan vaqflarning barcha daromadini faqat xalq maorifi uchun sarflash, bolalarni bepul o'qitish uchun Xiyada maktablar tashkil qilish, shahar va qishloqlarda bepul davolovchi shifoxonalar ochish, majburiy mehnati butunlay tugatish kabi jami 14 banddan iborat edi.

Bu orada inqilobchilardan bir guruhi ajralib, To'rtko'lda "Yosh xivaliklar" komunistik fraksiyasini tuzdi. Rossiya va Turkiston bolsheviklari esa Xiva xonligidagi barcha muxolif kuchlarni jipslashtirishga zo'r berdi. 1919-yilning noyabrida "Yosh xivaliklar", To'rtko'ldagi inqilobchi komunistlar guruhi hamda yanib ber necha siyosiy kuchlar birlashib, Xivani egallash uchun qizil askarlarni yordamga chaqirdi. Keskin jaangler natijasida Turkiston fronti Amudaryo (Xiva) guruhining qo'shinlari xonlik poytaxti Xivani bosib oldi. Xiva xoni Said Abdullaxon taxtdan voz kechdi. 1920-yil 2-fevralda Muvaqqat inqilobiy qo'mita tuzilib, unga To'rtko'ldagi "Yosh xivaliklar" inqilobiy qo'mita boshlig'i Jumaniyoq Sultonmuurodov rahbar etib tayinlandi.

1920-yil 26-30-aprelda Xorazm xalq vakillarining I qurultoyida Xorazm xalq respublikasi tashkil topdi. Qurultoya "Yosh xivaliklar" ning dasturi muvaqqat konstitutsiyaga asos qilib o'lindi. Unda Xiva xonligi tugatilgani va Xorazm xalq respublikasi tuzilgani e'lon qilindi. Qurultoya 15 kishidan iborat respublika hukumati — Xalq nozirlari sho'rosi tuzildi va ularning aksariyati hadillardan iborat bo'lgani uchun "Yosh xivaliklar" hukumati deb yuritila boshladi.

"Yosh xivaliklar" mamlakatda xonlikdan qolgan asoratlarni tugatish, respublikada demokratik tuzumni qaror toptirish, mustaqil Xorazm davlatini barpo qilish maqsadida yanada faollaştdi. "Inqilob quyoshi" gazetasi chop etildi. O'lka qator maktablar, internat, klub, kutubxona, shifoxona, dorixona, pochta va telegraf ish boshladi, kinematografiya, tipografiya idoralari ochildi. 1921-yilda Xivada tashkil qilingan Xorazm xalq universiteti keyinroq "Dorulmuallim" ga aylantirildi. Xorazm xalq banki 40 million kredit bilan ish boshladi va milliy pul muomalaga chiqariladi. Xivada milliy qizil armiya tashkil qilish uchun 18 nafar müsulmən komandiri jaib qilindi. Shuningdek, zindonda kishanband qilish, jismoniy qiyash, qati etish kabi jazo turlibekor qilindi.

Ammo sho'ro hukumatining "Yosh xivaliklar" ni qo'llovi ortida xufyona rejasini bor edi. Ularning "qo'li" bilan Xiva xonligiga butunlay barham berildi. Endigi maqsad mustaqil siyosat yuritishga intilayotgan "Yosh xivaliklar" hukumatinin badnom qilish edi va bunga jiddiy kirishdi. 1921-yil 6-martda qizil askarlari Xivada davlat to'ntarishi yasab, "Yosh xivaliklar" hukumatinini ag'darib tashlashga erishdi. Xalq nozirlari qamoqqa olinib, ko'philigi otib tashlandi.

"Yosh xivaliklar" ning bir qismi keyinchalik afy qilingan va 1923-yilning oktyabrigacha Xorazmdagi sho'ro davlati qurilishida faol ishtirot etgan bo'lsa-da, afsuski, ular ham 30-yillar qatag'onlarda mafh etildi. Va, shu tariqa "Yosh xivaliklar" siyosiy partiysi faoliyatiga butunlay barham berildi.

Kelgusi sonda "O'zbekiston: partiyalar tarixidan" turkumida "Yosh buxoroliklar" partiysi faoliyati bilan tanishasiz.



Partiya asoschisi
Polvonniyoq
hoji Yusupov

Тафаккур гулшани

Алишер
НАВОЙИ

Ватан таркин бир нафас
айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас
айлама.

Элга кўшулғон эш топти.

Эл қосса бирордин, эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балоий жони бил они,
Олам элининг ямон-ямони бил они.

Илмни ким воситай жоҳ эттар,
Ўзини-ю халқни гумроҳ эттар.

Жалолиддин
РУМИЙ

Ҳар не бўлсанг бўл, ё аслинг
каби кўрин, ё кўринганинг
каби бўй!

Тилингдан олдин қалбингни
тарбия қўл. Чунки сўз қалбдан келиб,
тилдан чиқади.

Минг йил ўқисаму, мендан "нимани билдинг", деб
сўрасалар, "ҳаддимни билдим" дейман.

Дедиларки, кўздан йироқ кўнгилдан йироқ,
Дедимки, кўнгилдаги кўздан йироқ бўлса не наф?

КОНФОРУЦИЙИ

Ҳакиқий билим — кимнингдир билимсилигидан сақланмайдир.

Фикрламай илм олмоқ
— бехудалик, билим билан
сугорилмаган тафаккур эса
хатардир.

Ҳакиқатни кўрмоқ ва унга
интилмоқ — ёки жасорат, ёки тарбия маҳсул.

Кимки нокамтарлик билан ёлғон сўзлар экан,
унинг жимжимадор сўзлари фақат ва фақат
мусибат келтиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси
Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони қуидаги товар
моддий бойликларини сотиб олиш бўйича тендер зълон қиласди:

1. Веб камера (LOGITECH PTZ Pro2)	1 дона
2. Веб камера (C310HDWebcamHD 720p)	14 дона
3. Микрофон (гүснинг шея)	14 дона
4. Реклама монитори (энгиз 3 метр бўйига 2 метр умумий 6 кв метр ҳажмдаги)	1 дона
5. Планшет Samsung TAB S4	7 дона
6. Смартфон Samsung Galaxy A 50	7 дона

Мурожаат учун телефонлар: (71) 239-45-77, (71) 277-72-90

"Milliy tiklanish" ижтимоий-сиёсий газетасидаги мақолаларни milliytiklanish.uz сайидаги ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH

ТАХРИРИЯТ ҲАЙАТИ:

Алишер ҚОДИРОВ — ҳайъат раиси,
Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Амиридин БЕРДИ-
МУРОДОВ, Абдуғариф МАМАТОВ, Фуроза
МУҲАММАДЖОННОВА, Акмал САЙДОВ,
Ортиқалий КОЗОКОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ,
Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-йй
Газета тахририят компютер марказида
териди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,
Парламент ва партия ҳайти бўлими: 234-01-47,
Маънавият, туризм, ҳалқаро ҳаёт ва ахборот бўлими:
234-87-73, Реклама ва маркетинг
булими: 234-86-41, Бош мухаррирнинг биринчи
уринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 3 босма табобо оғсет усулида босишли.
Коғоз бичими А-3
"ШАРК" нашириёт-матбатаба акциядорлик компанияси
босмахонасида чор этиди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-үй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 826, Адади — 10022. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Муаллифлар фикри тахририят нуткаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Тахририятни келган хатлар доимий ёзитборимизда бўлип,
улар муаллифларига кайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир: Муҳторбек АБДУЛЛАЕВ

Навбатчи: Дилфуз МАҲҲАМОВА

Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишига топшириши вакти — 21.30. Топшириди — 08.00. ЎзА якуни — 03.40

ISSN 2010-7734

9772010-771003

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ОРТИҚЧА ТЕРЛАШ
КАСАЛЛИК БЕЛГИСИМИ?

Жазира маисиқ
кунларда баъзилар
кўп терлашдан азият
чекади. Терлаш тана-
нинг маълум қисмла-
ридагина рўй берса,
гоҳида бутун жисмда
кузатилади. Тананинг
айрим аъзолари тер-
лаши табиий ҳолат деб
қаралса, бутун жисм
терлаши айрим касал-
лiliklar белгisi ҳисоб-
ланади.

Бу ҳолат тиббиётда гипер-
тидроз деб аталади. Асосан 15-
30 ўшдагилар орасида кўп уч-
райди. Тадқиқотлардан маълум
бўлишича, терлаш эркакларга
нисбатан аёлларда кўпроқ
учрайди. Баъзан тери ажра-
либ чиқиши одатдагидан ўн
марта гача кўпайиши мумкин.
Бу асадий зўриқи ёки стресс
ҳолати натижасидир. Ҳаддан
ташкари кўп терлаш бирламчи
терлаш деб аталиб, касаллик-
дан асосан уч физигча бўлган
аҳоли азият чекади. Кўпинча
балолик ва ўсимлир даврида
ўтиб кетади. Та бабий ҳолат ва
унга касаллик деб қарамаслик
керак.

Юз, лаб ва бурун атрофи-
да тер чиқиши, одатда, кучли
калорияли овқатлар ейиш,
кофе, шоколад, алкоголи
ичимлеклар истеъмолидан
сўнг рўй беради. Нейросифи-
лис, паркинсон, инсульт каби
неврологик касалликлар асо-
рати сифатида ҳам изо соҳаси
терлаши мумкин. Гипергидроз
гоҳида эндокрин касалликлар
белгиси сифатида ҳам намоён
бўлади. Аслида, амалиётда кўп
тери ажралиб чиқиши барча
сурункали юқумли касал-
лiliklar белгisi сифатида
эътироф этилади. Безгак, сил
ва руцеллёзда ҳам ҳаддан
ортиқ терлаш алоҳида белги
сифатида қайд этилади. Терлаш
нохуш ҳолат, у невроз, юқори
қон босими, асад касалликлари

Юз, лаб ва бурун атрофи-
да тер чиқиши, одатда, кучли
калорияли овқатлар ейиш,
кофе, шоколад, алкоголи
ичимлеклар истеъмолидан
сўнг рўй беради. Нейросифи-
лис, паркинсон, инсульт каби
неврологик касалликлар асо-
рати сифатида ҳам изо соҳаси
терлаши мумкин. Гипергидроз
гоҳида эндокрин касалликлар
белгиси сифатида ҳам намоён
бўлади. Аслида, амалиётда кўп
тери ажралиб чиқиши барча
сурункали юқумли касал-
лiliklar белгisi сифатида
эътироф этилади. Безгак, сил
ва руцеллёзда ҳам ҳаддан
ортиқ терлаш алоҳида белги
сифатида қайд этилади. Терлаш
нохуш ҳолат, у невроз, юқори
қон босими, асад касалликлари

Юз, лаб ва бурун атрофи-
да тер чиқиши, одатда, кучли
калорияли овқатлар ейиш,
кофе, шоколад, алкоголи
ичимлеклар истеъмолидан
сўнг рўй беради. Нейросифи-
лис, паркинсон, инсульт каби
неврологик касалликлар асо-
рати сифатида ҳам изо соҳаси
терлаши мумкин. Гипергидроз
гоҳида эндокрин касалликлар
белгиси сифатида ҳам намоён
бўлади. Аслида, амалиётда кўп
тери ажралиб чиқиши барча
сурункали юқумли касал-
liliklar белгisi сифатида
эътироф этилади. Безгак, сил
ва руцеллёзда ҳам ҳаддан
ортиқ терлаш алоҳида белги
сифатида қайд этилади. Терлаш
нохуш ҳолат, у невроз, юқори
қон босими, асад касалликлари

Юз, лаб ва бурун атрофи-
да тер чиқиши, одатда, кучли
калорияли овқатлар ейиш,
кофе, шоколад, алкоголи
ичимлеклар истеъмолидан
сўнг рўй беради. Нейросифи-
лис, паркинсон, инсульт каби
неврологик касалликлар асо-
рати сифатида ҳам изо соҳаси
терлаши мумкин. Гипергидроз
гоҳида эндокрин касалликлар
белгиси сифатида ҳам намоён
бўлади. Аслида, амалиётда кўп
тери ажралиб чиқиши барча
сурункали юқумли касал-
liliklar белгisi сифатида
эътироф этилади. Безгак, сил
ва руцеллёзда ҳам ҳаддан
ортиқ терлаш алоҳида белги
сифатида қайд этилади. Терлаш
нохуш ҳолат, у невроз, юқори
қон босими, асад касалликлари



ортиқча терлаш муаммоси
бартараф этилади.

Ҳалқ табобатида терлашга
қарши бир неча даво чоралари
қўлланилади: чой бутаси дам-
ламаси билан терининг терла-
шан қисмларини артиш лозим.
Ушбу муолажани душ қабул
килгандан сўнг бир кунда иккى
маҳал бажаринг. Бу терлаш
оқибатидаги нохуш ҳидларни
кетказиша ва ўндан батамом
ҳалос бўлишига ёрдам беради.
Мойчечак гулни қайнаган
сувда дамлаб, 20 дақиқа тин-
дирилади. Ушбу аралашмага
иккى ошқошиб лимон шарбати
кўшилади. У билан тананинг
терладиган қисмини артиш
керак. Аралашма иложи бори-
ча, бир кунлик муолажага мўл-
жаллаб тайёрланиси лозим.
Шунингдек, яллиз аралашма-
сидан ҳам худди шундай усулда
фойдаланиши мумкин.

Энг муҳими, ҳар бир киши
шахсий гигиена қоидаларига
амал қиласа, тозаликка, кийим-
ларининг табиий пахта тола-
сидан тайёрланганига ёзитбор
қаратса ортиқча терлашдан
азият чекмайди. Ҳам атрофад-
гилар олдида ноқулай вазиятга
тушиб қолмайди.

■ Нигора НИШОНБОЕВА
тайёрлади.

ISSN 2010-7734

9772010-771003